

87.
6-69

БИЛИШ ФАЛСАФАСИ

«Фан»

ISBN 978-9943-09-739-1



9 789943 097391


6-69

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БИЛИШ ФАЛСАФАСИ

(Мақолалар тўплами)




Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2009

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган "Фалсафа" фани ўқув дастури асосида тайёрланган бўлиб, у талабаларда билиш қонуниятлари ва имкониятлари, билимнинг объектив реалликка муносабати ва билиш жараёнининг тамойиллари бўйича фикрлаш малакаларини шакллантиради.

Тўплам бакалавр, магистр ва кенг китобхонларга мўлжалланган.

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р:
фалсафа фанлари доктори, профессор
Саидмурод Мамашокиров

Т а қ р и з ч и л а р:
фалсафа фанлари доктори
Н. Шермухаммедова
фалсафа фанлари намзоди
С. Валиева



© Ўзбекистон Республикаси
ФА «Фан» нашриёти, 2009 йил.

ISBN 978-9943-09-739-1

К И Р И Ш

Жамиятимиз аввало эркин фикрловчи, муайян вазиятда маъсулиятни бўйнига олиб, мустақил қарорлар қабул қила оладиган шахсларга эҳтиёжманд. Бунинг учун ҳозирги ва келажак авлод юксак тафаккурли, олам ва одам масалалари юзасида теран мушоҳада юритиб, унинг сирларини билишга интиланган кишилар фаолияти, улар яшаган даврдаги фан ва техниканинг ҳолати ҳақида тасаввурга эга бўлишлари керак. Ижтимоий онгда диний тасаввурлар устун бўлган бир даврда олимлар одамлар ҳали тушуниб етмаган нарсаларни англаб, уларни исботлаб берганликларини замондошларимиз билишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу кишиларни олам сирларини тушунишга ва ўз билимларини мустаҳкамлаб боришга ундайди.

Маълумки, билиш билмасликдан билишга, бир билимдан иккинчи, янада чуқурроқ билимга ўтиш сифатида, объектив, тобора тўлароқ, кўп қиррали ҳақиқатга томон қилинадиган ҳаракат сифатида намоён бўлади. Бу жараён бир-бири билан мажбуран боғланган талай босқичлардан, хусусиятлардан ташкил топади.

Инсоният онгли фаолият юрита бошлаганданоқ, оламнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва унда ўзининг тутган ўрнини билишга қизиқиб келган.

Тарихга назар ташлар эканмиз, баъзи буюк кишиларнинг табиат ва жамиятни англаш мақсадида унинг моҳиятини ва ривожланиш қонуниятларини тинимсиз кузатиб бориб, ўз даври учун ечимсиз ёки ғайритабiiй туюлган нарса ва ҳодисаларнинг туб сабабларини илмий асосда тушунтириб берганлигига гувоҳ бўламиз. Бу орқали улар истиқомат қилган жамият ва давлат ҳам тараққий этиб, фуқароларининг фаровонлигини таъминлаган.

Табиатда бўлгани каби жамиятда ҳам турли хил сир-синоатлар мавжуд. Улар ижтимоий-гуманитар фанлар

кузатишлари ва текширишлари жараёнида аниқланади. Жамиятни билиш ўзининг мураккаблиги ва ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради. Жамият қонунариши англаб, келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдиндан бартараф этилиши жамият аъзоларининг давлат ҳокимиятига ишончини оширган. Оқибатда, бу ҳудуд халқлари битта муштарак ғоя, мақсад ва маслак атрофида жипслашган.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган "Куч — билим ва тафаккурда" ғояси юртимизда табиат ва жамият сирларини билиш ва унинг моҳиятини англашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини тасдиқлайди. Бунинг амалдаги ифодасини илм-фан ва таълим соҳаларидаги ислохотларда кўриб турибмиз.

Бу ғоя билиш масалаларини таҳлил этиш, унинг ижтимоий тараққиётда тўтган ўрнини асослаш, дин ва эътиқодга таяниб нимани амалга ошириш мумкин-у, фан ва тажрибалар асосида қандай натижаларга эришиш мумкинлигини асослашга ҳам хизмат қилади, десак хато бўлмайди.

Жамиятни илмий билиш ва унинг сир-синоатларини англаб етишнинг жамиятда учраб турадиган муаммо ва камчиликларни бартараф этишдаги амалий аҳамияти ҳақида фуқароларимиз онгида тассаввур уйғотиш лозим. Бунинг учун эса юртимизда фаолият юритаётган ижтимоий фан вакилларининг бошини қовуштириш, соҳада ва жамиятда мавжуд бўлган муаммоларни кўтариб чиқиш, уларнинг ечимига доир фаразларни илгари суриш керак. Мана шунда табиат ва жамиятдаги ечимини кутаётган масалаларнинг моҳияти анғланади. Натижада, фуқароларимизнинг "Миллий ғоя" атрофида жипслашиши кучаяди.

Ушбу мақолалар тўплами бу жарёнда маълум аҳамиятга эга бўлиб, жамият аъзоларини воқеликни илмий билишга ва унинг моҳиятини тушуниб етишга ундайди. Унда ижтимоий ҳаётимиз учун беқиёс аҳамиятга эга бўлган масалалар таҳлил қилинган. Тўпламдаги мақолалар ўқувчи онгида билиш фалсафаси, унинг амалдаги ифодаси, илмий билиш жараёнлари, мавжуд методлари ҳақида тассаввур уйғотишга ёрдам беради, деган умиддамиз.

Интеллект ижтимоий-фалсафий феномен сифатида

Инсон — маънавиятли, ўз амалий фаолиятини тартибга сола оладиган, моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш малакасига эга бўлган, ижтимоий, биологик, психологик хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган ижтимоий мавжудотдир.

Инсон ҳаёти давомида кўплаб фаолият турлари билан шуғулланади. Инсон фаолияти амалий ва назарий йўналишларда кечадиган ўйин, ўқиш ва меҳнат турларига бўлинади. Инсон фаолиятининг барча турлари интеллектга асосланади ва уларда инсоннинг интеллектуал салоҳияти намоён бўлади.

Шу маънода интеллект шахснинг маънавий камолотини ифодаловчи энг муҳим мезонлардан биридир. Зеро, у шахснинг барча маънавий-ахлоқий фазилатлари, истеъдоди ва қобилиятининг асосидир. Шахс интеллектуал салоҳиятини ривожлантирмасдан туриб, том маънодаги баркамол, мустақил дунёқарашга эга, муаммо ва вазифаларни ўз вақтида тез, тўғри англаб, уларни ҳал этишга доир оқилона қарорлар қабул қилишга қодир мустақил шахсни шакллантириш мумкин эмас. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «...Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечолмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди!»¹

¹ Каримов И.А. Биз ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Тошкент: "Ўзбекистон", 1999. 135-бет.

Дарҳақиқат, шахсни демократик жамият қурилиши жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш, ҳаётӣ муаммоларга ўз вақтида ечим топиш қобилияти – интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш долзарб вазифадир. Қолаверса, ҳозирги мураккаб ва тез суръатлар билан ривожланиб бораётган глобаллашув даврида ҳар бир давлатнинг куч-қудрати, тараққиёти, узоқ ва яқин ўтмишда бўлганидек, асосан ҳарбий ёки иқтисодий омилларгагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки унинг қандай интеллектуал кучларга эга эканлигига, муайян жамиятда яшовчи шахсларнинг юксак интеллектуал салоҳиятига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу боис, шахс интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришнинг ижтимоӣ-сиёсий ва фалсафӣ муаммоларини илмӣ таҳлил қилиш, шахс интеллектини ривожлантирувчи омиллари аниқлаш ва интеллектуал салоҳият даражаси, ҳолати ўлчовининг илмӣ мезонларини ўрганиш жуда долзарб аҳамиятга эгадир.

«Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мараббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади»¹.

Шахс интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш анчайин мураккаб, кенг қамровли ва серқирра муаммо бўлиб, битта мақола доирасида унинг барча жиҳатларини қамраб олишнинг асло имкони йўқ. Шу боис, биз бу ўринда интеллектнинг ижтимоӣ-фалсафӣ феномен сифатидаги моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилдик.

Хўш, интеллект ўзи нима? Интеллект ва шахс интеллектуал салоҳиятининг ижтимоӣ-тарихий генезиси

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. 61-6.

қандай? Интеллект феноменининг намоён бўлиш хусусиятлари нималардан иборат? Интеллект қандай шаклларда намоён бўлади? У қандай ривожланади?

Интеллект латинча (intellectus) сўз бўлиб, "ақл", "идрок", "зеҳн", "билиш", "тушуниш" каби маъноларни англатади. Интеллект — инсоннинг нисбатан барқарор ақлий қобилиятларининг структурасидир.

Интеллект кенг маънода: кишининг воқеа-ҳодиса моҳиятини тўлалигича билишга асосланган ва у орқали намоён бўладиган фаолияти — ҳаётни, атроф-муҳитни ўзгартириш, турли масалаларни ҳал қилиш, бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш, воқеа-ҳодисаларни оддндан кўра билиш лаёқати; тор маънода: инсоннинг тафаккур, фикр юритиш салоҳиятини, ўқиш-ўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажрибани қабул қилиш қобилиятини англатади.

Интеллект кишилардаги ақл, идрок, заковат, маънавий жиҳатдан етуклик даражасини ҳам изоҳлайди; тасаввур, унга идрок синчковлик орқали жамланган материалларни билиш усуллари (таққослаш, абстракция, тушунча, ҳукм ва ҳ.к.) орқали асосли билимга эга бўлиш ёки мавжуд билимни танқидий таҳлил этиб чиқиш қобилияти сифатида ҳам қаралади.

Интеллект таркибига идрок қилиш, хотирлаш, фикр юритиш, сўзлаш ва бошқа бир қатор психик жараёнлар киради. Шу боис интеллект тушунчаси психик ҳодиса сифатида психология фанида ҳам ўрганилади. Аммо, психологияда интеллект инсон онги фаолиятида зоҳир бўладиган психик функцияларнинг бир тури — билиш процесси (жараёни) деб қаралади. Бунда интеллектнинг ижтимоий, тарихий генезиси, унинг шаклланиши шахснинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёт шароитлари билан боғлаб, бир бутунликда ўрганилмайди ва шахс интеллектуал қобилиятларини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий омилларига эътибор қаратилмайди.

Бир қанча психологик концепцияларда интеллект ақлий операциялар тизими билан, муаммони ечиш

стратегияси ва усули билан, вазиятга индивидуал ёндашувнинг самарадорлигини талаб қиладиган билиш фаоллиги билан, когнитив усул ва бошқалар билан айнанлаштирилади.

Интеллектга ягона, қиёмига етган таъриф бериш қийин. Чунки, у бир-бири билан боғланмаган кўп сифатларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, биз "тоза" ҳолдаги интеллектни шахснинг математик масалаларни ечишга қобилиятидир, деб тахмин қилайлик. Лекин математик масалаларни ёнғоқ пўчоғини чаққандай ечаётганлар тарих, санъат бобида жуда чекланган тушунчаларга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун шахс интеллектуал салоҳиятига бир томонлама ёндашиб бўлмайди. Зеро, инеллект—бу хулоса чиқариш имкониятлари, режалаштириш, муаммоларни ечиш, абстракт фикрлаш, мураккаб ғояларни тушуниш, тез, самарали ўрганиш ва тажрибага асосланиб ўқиш каби таркибий қисмларни қамраб олувчи яхлит, умумий ақлий қобилиятдир. Интеллектуал салоҳият бу шунчаки китобларни ўқиб ўрганиш, тор академик билимлар ёки тест ечиш кўникмаларигина эмас. Аксинча, олимларнинг фикрича интеллект инсоннинг борлиқни нисбатан кенгроқ ва чуқурроқ билиш қобилиятини, нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниш ва фаҳмлаш, у ёки бу вазиятда тўғри ҳаракат қилиш малакасини ҳам акс эттиради.

Баъзида, кенг билимга эга тажрибали олимлар ҳам конкрет вазиятларда аниқ бир муаммонинг самарали ечимини топа олмай, вазиятни тўғри баҳолай олмай, масала ечимига оид муқобил йўллардан энг мақбулини танлаб ололмай қийналиб қолишлари мумкин.

Шу нуқтаи назардан интеллект нафақат назарий, балки конкрет амалий фаолиятнинг самарали натижаларини кўзда тутади.

Саксон килограммик инсон танасининг бор йўғи саксондан бир бўлагини мия ташкил қилади (бир килограмм атрофида). Айнан шу орган сизу бизни бошқаради. Агар шу икки килограммик тана аъзомизга

вақтида ишлов бериб турмасак, аниқроғи ишлашга мажбур қилиб турмасак, унга ижодий руҳ бағишламасак, у танамизда ортиқча матоҳ бўлиб тураверади. Инсон танасини бадантарбия билан қандай чиниқтириб борса, миясини ҳам шундай ривожлантириб бориши керак.

Арастунинг "Арфада бирон бир куйни чалиш учун, арфа чалишни билиш керак" деган қайдлари мавжуд. Арасту бу билан, миянинг функционал фаолиятини ривожлантириш учун энг камида уни ишлатиш зарур, демоқчи.

Албатта, шахс интеллектуал салоҳияти шахснинг бошқа ижтимоий хусусиятлари каби ўша шахс яшайдиган жамиятдаги объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларнинг ўзаро диалектик бирлиги натижасида ривожланади.

Шахс интеллектуал салоҳиятини оширишда, айниқса, таълим тизими муҳим рол ўйнайди. Ўз навбатида таълим тизими ҳам муайян жамият интеллектуал даражасининг маҳсули бўлиб, уни ўзида акс эттиради.

Шахс интеллектуал салоҳиятининг етуклик даражасини фақат битта мезон билан ўлчаш мумкин эмас. Ҳозирча олимлар интеллектуал салоҳиятнинг етуклик даражасини турли хил интеллектуал тестлар (IQ) ва шахс фаолиятининг натижаларига қараб баҳоламоқдалар.

Инсон кундалик ҳаётида доимо турли саволларга жавоб қидиради, муаммоларга ечим излайди. Ана шу жараёнда инсон интеллекти "чархланади", интеллектуал ресурслари бойиб боради. Инглиз психологи Г. Айзенк фикрича, ҳаётда учраган муаммо ва масалаларни ечиб бўлгандан кейин инсон роҳатланиш ва завқланиш ҳисси билан бирга ўзини янада қудратли ҳис қилар экан. Турмушнинг олдимизга қўядиган масалаларига жавоб қидириш, ҳаётимиз асосига айланган. Ҳаётдаги осон ёки қийин муаммо ва жумбоқларни кимдир машаққат билан бартараф этади, кимдир бу муаммолар олдида ожиз қолади. Бундан ҳаёт интеллектуалларни саралайди, деган хулоса келиб чиқади. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки,

интеллект ҳар бир инсонда мавжуд. Лекин, шахсларнинг интеллектуал салоҳият даражалари турлича бўлади. Сабаби, интеллектуал салоҳият улар яшайдиган ижтимоий муҳит, оилада, таълим муассасаларида олган таълим-тарбиялари, ирсиятларидаги фарқлар билан боғлиқ.

Францияда Халқаро Интеллектуаллар ташкилоти (MENSA) фаолият олиб боради. Бу ташкилотга турли касб эгаларининг ўта билимдон ва иқтидорли кишилари аъзо бўладилар. Ташкилотнинг асосий вазифаси – инсоннинг интеллектуал салоҳиятини сарҳисоб қилиш. MENSA чиқарган мантиқий тестлар бирон-бир ҳудудни ўрганишда, унга баҳо беришда мезон бўлиб хизмат қилади. Унинг тажрибалари шуни кўрсатганки, қаерда таълим давлат томонидан рағбарлантириб турилса, ўша халқнинг, миллатнинг интеллектуал салоҳияти ривожланар экан. Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистонни ҳам энг илғор таълим тизимига эга давлатлар қаторига киритса бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шахс интеллектуал салоҳияти ривожланишининг асосий шарт-шароити бу – шахснинг ўзини ўзи, фикр тафаккур ва амалий фаолият эркинлигини англашидир. Зеро, ўзини ўзи англаган шахсгина билими, куч ва имкониятларига таяниб яшайди. Бу эса шахсда интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш учун масъуллик ҳиссини шакллантиради.

Интеллектуал шахслар ҳаётни ташкил қилиш, бошқариш имконига эга бўладилар. Ҳаётга, ўзлари ва ўзгаларга онгли муносабатда бўладилар. Интеллектуал ресурсларини умрлари давомида тўғри тақсимлаб, мазмунли ҳаёт кечиришади ҳамда жамият ривожига муносиб ҳисса қўшишади.

Умуман олганда, интеллект шахснинг, миллатнинг, умуман инсоният тараққиётининг мазмунини белгиловчи, уни ҳаракатга келтирувчи серқирра ва мураккаб ижтимоий ҳодиса ва фалсафий феномендир.

БИЛИШ ЖАРАЁНИДАГИ УЗВИЙЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Фалсафий маънода узвийлик моҳияти материя тараққиётининг инкорни-инкор этиш ва миқдорий ўзгаришларнинг сифат ўзгаришига айланиши каби қонуниятларининг томонларидан бири сифатида намоён бўлади. Аслини олганда, узвийлик — «...бу ривожланиш жараёнида янгилик ва эскилик орасидаги объектив зарурий муносабатлардир»¹. Материя ҳаракати шакллари-нинг генезиси шундан далолат берадики, «...ҳаракатнинг ҳар қандай юқори даражадаги шакли пас- даражадагилари билан боғлиқ бўлган ҳолда уларни беқор қилмасдан, аксинча ўзига қўшиб, бўйсиндириб олади, шу билан у тараққиётни миқдорий жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади»².

Шуни таъкидлаш мумкинки, диалектик тушуниш янгиликка ўтишда эскиликни шунчаки йўқ қилишни билдирибгина қолмай, балки аввалги босқичларда қўлга қиритилган илғор ва рационал ютуқларни сақлаб қолиш ва уларни янада ривожлантириш зарурлигини кўрсатади. Ушбу мулоҳаза узвийлик тушунчасининг бошқа фалсафий категориялар билан муносабатлари ва хусусиятларини тадқиқ этган олимлар хулосалари орқали ҳам тасдиқланган. Масалан, И.И.Новицкий³ узвийликни «алоқа» тушунчаси асосида таҳлил қилиб, унинг тарақ-

¹ Баллер Э.А. Преемственность в развитии культуры. М., 1969. 97 с.

² Величко А.Н. Преемственность в развитии умения решать задачи в школьных курсах физики и математики (на первой степени обучения физики). Авт. дисс. канд. пед. наук. Челябинск., 1990. 17 с.

³ Новицкий И.И. Имитирующие программные комплексы с элементами обучения на базе логико-динамических моделей. Рига: РПИ, 1987. 119 с.

қийет жараёнининг шакллари сифатидаги асосий белгиларини аниқлайди ва бир қанча объектив омилларни акс эттиришга эътибор қаратади. Олимнинг фикрича, бу энг аввало ривожланишнинг узлуксиз ва бир томонга йўналтирилганлиги ҳамда ривожланиш элементларининг алоқалари (эскилик ва янгилик орасидаги алоқалар) билан характерланувчи "бирининг иккинчисига ўтиши" каби яхлит жараён сифатида кўриб чиқиш заруриятидир. Бунда, И.И.Новицкий эътиборни асосан узвийликда инкор элементининг бор бўлиши зарурлигига қаратади. Чунки, унинг фикрича, узвийлик инкорсиз мавжуд бўлмайди ва оддий такрорланишга (яъни механик қайтаришга) айланиб қолади. Бироқ у узвийлик ва инсон вазифаларининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатибгина қолмай, балки уларнинг (вазифаларининг) моҳиятини ҳам кўришга чақиради: узвийлик ривожланиш (ёки турғунлик) жараёнида қабул қилиш, ўзлаштириш вазиятларини таъкидласа, инкор улоқтириш вазиятларини белгилайди.

Г.И.Исаенко ҳам "узвийлик" ва "инкор" тушунчалари ўртасида турлича амалга ошиши мумкин бўлган муносабатларни кўриб чиқиб, шунини таъкидлайдики, ўзгариб бораётган борлиқни акс эттиришда улар бажарадиган вазифаларнинг ҳар хиллигига қарамасдан, улар (ушбу тушунчалар) ўзаро боғланган бўлади ва бир-бирини белгилайди. Бундай ўзаро боғлиқлик ва боғланганлик, унинг фикрича, миқдорий ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтиш қонунида намоён бўлиши кузатилади, бу доирада узвийлик билан инкор орасидаги мутаносиблик ўзгаради холос. Шундай қилиб, миқдорий тараққиёт узвийликнинг инкордан устун ҳолдаги ривожланишидан иборатдир. Бунда шакл ва мазмуннинг узвийлик асосидаги моҳияти ривожини ҳақида гап боради. Сифат жиҳатдан ўзгариш (ривожланиш) — бу инкорнинг узвийликдан устун бўлган ҳолдаги ривожланиши ҳисобланади. Бу ерда эски моҳият (эски мазмуннинг) инкор қилиниши ҳақида гап боради, лекин бир қатор эришилган натижалар ва эски шакллар тараққиётнинг янги босқичида ўзгаришларсиз қайтадан тикланиди.

Таъкидлаш лозимки, узвийлик фалсафий категория (тушунча) сифатида турли олимлар томонидан турлича талқин этилади. Эҳтимол, бу олимлар унга таъриф берганларида тушунчанинг турли хилдаги энг асосий хусусиятларига таянганлари билан боғлиқдир. Масалан, В.К.Чалояннинг айтишича, узвийлик — бу мерос қилиб олинган эскилик ва сифат жиҳатидан нарса ёки воқелик бирлигидир, унга яхлитлик хос ва у борлиқнинг ривожланишидаги маълум бир поғонаси вазифасини ўтайди. Кўриб турганимиздек, ушбу таъриф узвийликни фақат ривожланиб бораётган тизимда "олинган" томонидангина баҳолайди.

Э.А. Баллер эса узвийликни таърифлашда, кўпроқ ана шу "ҳосил қилинган, олинган"нинг пайдо бўлиш жараёни моҳиятининг акс этишига кўпроқ урғу беради, шунинг учун унинг таърифи қуйидаги кўринишни олган: узвийлик — бу тараққиётнинг турли босқичи ёки поғоналари ўртасидаги алоқалардир, унинг моҳияти шундан иборатки, яхлитликнинг тизим сифатида ўзгараётган бир пайтда уни ташкил этувчи у ёки бу томонларининг сақланиб қолинишини билдиради.

Бизнинг назаримизда, "узвийлик" тушунчаси моҳиятига Г.И.Исаенко берган таъриф, фалсафий нуқтаи назардан қаралганда, бир мунча аниқроқ ва тўлароқдир.

Унинг ёзишича, тараққиёт, биринчидан, объектда янги томон, хусусият ва сифатларнинг пайдо бўлиши, иккинчидан, янгилик ичида эскиликнинг яна ҳам ривож топган элемент, томон ва йўналишлари борлиги билан характерланади. Узвийлик шундай фалсафий категорияки, у ҳар қандай тараққиёт жараёнида янги шароитга мувофиқ равишда ўзгаришларга дучор бўлган аввалги босқичнинг айрим алоҳида томон ва хусусиятларига эга янги шароитларнинг янгисини ўтказиши ва унинг янги вазиятга мос келмайдиган эскирган хусусият ва томонларини улоқтириб ташлаш заруриятини ифодалашга хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, узвийликсиз кейинги тараққиётни тасаввур этиб бўлмайди, булар эса айнан қуйидагилардир:

-янгиликка эскилик мазмунининг янги шароитларда ўз ҳаётийлигини йўқотмаган ва тараққиётга туртки бўлиб хизмат қилувчи элементларининг киритилиши;

-янгиликка эскиликнинг ўз ичига бошқача мазмунни сиғдира олмайдиган ва тараққиётни таъминлаб боришга қодир алоҳида шакллارининг киритилиши.

"Узвийлик" тушунчасининг фалсафий моҳияти ҳақида гапирганда, олимларнинг уни тип (тур) ларга ажратганликларини таъкидлаш лозим. Э.А.Баллер узвийликни авваламбор унинг шакл ва мазмуни, узлуклилиқ ва узлуксизлик, позитив (ижобий) ва негатив (салбий) лиги, очиқ ва яширинлиги жиҳатидан, иккинчидан унинг сифат ва миқдорий хусусиятларига қараб турларга ажратади. Охирги мулоҳазага кўра узвийликнинг қуйидаги турларини фарқлайди:

-мавжуд доимий сифат доирасидаги миқдорий ўзгаришлар жараёнидан жой олган бир миқёсдаги узвийлик;

- сифат ўзгаришлари билан боғлиқ турли миқёсдаги узвийлик;

-илфор ўзгаришлар жараёнидаги олдинга йўналтирилган узвийлик;

-орқага қайтиш билан боғлиқ (регрессив) ўзгаришларга хос инволюцион узвийлик.

В.И.Игнатъев¹ узвийлик моҳиятининг мазмуни ҳақидаги «ўзининг янгича» кўринишидаги ўтиши, очилиши каби узвийликнинг «сакраш» сифатидаги тасаввурига таянган ҳолда:

-туғилиш узвийлиги;

-тузилиш узвийлиги каби турларини фарқлайди.

Г.И.Исаенко сифатий ва миқдорий тараққиёт босқичларида узвийлик ва инкор тушунчаларининг муносабатларини таҳлил этар экан, ривожланаётган объектда узвийликни қуйидаги икки турга ажратади:

¹Игнатъев В.И. Алгоритмы и структуры системы обработки информации. Тула, 1993. 125 с.

-эски негизни қисман инкор этишдаги моҳият маъмунининг узвийлиги;

-эски негизни инкор этиш ва йўқ қилишдаги айрим хусусиятлар, натижа ва шаклларнинг узвийлиги.

Ўзаро боғлиқлик ва алоқалари кўрсатилган фалсафий категориялар, узвийлик турлари таснифи, билишнинг назаримизда, муҳим, чунки улардан узвийликни таъминлаш босқичларини аниқлашда (ўқитиш давомида ҳам), қолаверса узвийлик муаммосини бошқа (психологик, умумдидактик) миқёсда тадқиқ этиш давомида, шунингдек, билиш жараёнида узвийликни амалга ошириш хусусиятларини аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Билиш жараёнидаги узвийликни амалга ошириш хусусиятлари жуда муҳим, чунки биринчидан, билиш жараёнидаги қуйи босқичдан юқорисига ўтиш билимларнинг мерос бўлиб қолиши зурурлигини тақозо этади, иккинчидан, билиш жараёнида ҳақиқатга яқинлашиш узвийликни амалга оширишга асосланган, билимларни ўзлаштиришнинг психологик механизми таъсири билан белгиланади.

Ўқитиш давомида билим олиш жараёнидаги узвийликни амалга ошириш хусусиятларини тушуниш учун, аввало, унинг асосий белгиларини таъкидлаб ўтамиз:

-таълим жараёнидаги билим олиш фаолиятини махсус тайёргарлик кўрган одамлар гуруҳи ташкил қилади;

-дидактика ва хусусий методикалардан илмий факт ва ҳодисаларни аниқлаш ва ўрганишни, у ёки бу мулоҳаза ва фаразларнинг тўғрилигини текширишни осонлаштирувчи билим олишнинг махсус воситалари яратилмоқда;

-ўқув жараёнида кўпинча факт, ҳодиса ва қонуниятлар аввало кўриб, ўрганиб чиқилади, сўнгра амалда фойдаланилади;

-ўқув-билув фаолиятини ташкил этиш билимларни қабул қилиш ва ўрганиш, малака ва кўникмаларни

шаклантиришнинг махсус тизимини ишлаб чиқишни талаб этади.

Тартибсиз, эмпирик билишнинг умумий тизимидан ўқитишдаги билим олишни фарқловчи ушбу хусусиятлардан кўринадики, уни ташкил этишда билимларни ўзлаштириш жараёнининг аввалдан алоҳида билиш босқичларига мажбурий бўлиниши зарур ва улар ўқувчи томонидан маълум кетма-кетликда, билишнинг махсус услуб ва воситалари ёрдамида босиб ўтилиши керак.

Ўқитиш услублари ва тавсияларининг таҳлили шуни таъкидлашга асос бўлиб хизмат қиладики, ўқитиш жараёнида аниқ мақсаднинг кўрсатмалар сифатида намоён бўлувчи билиш босқичлари махсус билим олиш вазифалари воситасида ташкил этилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бундай мақсадли кўрсатмалар қуйидаги талаблардан иборат:

-ўқувчиларда у ёки бу объектлар ва ҳодисаларни таърифловчи далилларни аниқлаш ва саралаш малакаси асосида ётган билимларни шаклантириш ёки фаоллаштириш;

-ўқувчиларни юзага келаётган назарий муаммоларни ҳал қилишга, уларда шаклланиб бўлган билимлар тизимини жалб этишга ўргатиш;

-билим олиш хатти-ҳаракатларини ташкил этиш усулларини ўқувчиларга ўргатиш.

Ушбу талаб (кўрсатма) ларни амалга ошириш билим олиш вазифаларининг бир неча туридан доимий фойдаланиш кераклигини билдиради. Ўқув-билув фаолиятини самарали ташкил этиш ўқувчилардаги билим олиш хатти-ҳаракатлари тизимининг, билимларни ўзлаштириш ва шу асосда анализ, синтез ва умумлаштириш каби фундаментал фикрлаш функцияларининг ривожланиши, психологик концепцияларда баён этилган операционал фикрлашнинг маълум турларини шаклантириш йўли билан фаоллаштиришини тақозо этиши зарур.

Бугунги кунда билишнинг уч турдаги билим олиш вазифалари фарқланади.

Биринчи турдаги билиш (билим олиш) вазифалари ўрганилаётган объект ва ҳодисаларни таърифлашда далилларни баён этишни талаб этишдан иборат. Биринчи турдаги билиш вазифаларининг умумий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

-реал мавжуд объектларни ўрганишда амалий операцияларни мажбуран бажариш;

- ушбу операциялар натижалари доимо аниқланган фактлар (далиллар) баёни кўринишида тақдим этилади.

Иккинчи турдаги билиш вазифаларининг моҳияти шундан иборатки, уларни ҳал қилиш ўқувчилардан улардаги мавжуд билимларнинг маълум тизимини жалб этиш ва фаоллаштиришни талаб этади. Ушбу вазифаларнинг умумий хусусиятларига қуйидагилар киради:

-уларни ҳал қилишда ўрганилаётган объект ёки ҳодисаларнинг бевосита кузатилажак хусусиятлари чегараларидан ташқарига чиқиш зарурияти (ўз фаразларини ифодалаш, сўнгра қилинган хулоса ёки тасдиқнинг тўғрилигини исботлаш):


- иккинчи турдаги вазифаларни ифодалашда ҳар қандай фактни тушунтириш охир-оқибатда маълум бир турдаги ҳодиса жараён хусусиятлари билан аниқ тарзда боғлиқ ҳолатга келтирилиши кераклиги назарда тутилади.

Учинчи турдаги билиш вазифалари билиш хатти-ҳаракатларини ташкил қилиш усулларига ўргатишни талаб этади. Уларга нисбатан қўйилган умумий талаблар қуйидагилардир:

-танланган символика (атама, тушунча, белги) лар бир маъноли бўлиши керак;

-билимлар тизими ичида киритиш ёки исботлаш учун ишлатиладиган барча атама, тушунча ва белгилар бири-бири билан бир хил маъноли муносабатда бўлиши керак;

-бирон-бир ҳодисанинг тушунтирилиши ёки исботи учун фойдаланиладиган барча билимлар тизими объектив, тўғри ёки аввалдан эмпирик йўл билан текширилган бўлиши лозим.



Бизнинг назаримизда, билиш хусусиятларини ҳисобга олиш жиҳатидан билиш жараёни узвийлигини амалга оширишда В.А.Смирнов¹ таклиф этган ёндашув диққатга сазовор. У дунёни интеллектуал ўзлаштиришнинг икки туридан келиб чиққан ҳолда, эмпирик ва назарий билимларнинг (ўқиш орқали ишлатиладиган билим вазифалари турлари хусусиятларига ҳамоҳанг) аҳамиятли белгиларини аниқлайди, билиш босқичларини баён этади ва уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу босқичларда амалга ошадиган узвийлик табиатининг фарқини кўрсатади.

В.А.Смирновнинг фикрича, дунёни интеллектуал ўрганиш икки хил тарзда амалга оширилади. Биринчи ҳолда у дунёни кузатиш тизимига асосланади. Уни кузатиш давомида ва натижасида турли ҳолда кузатиш мумкин бўлган борлиқни яна ҳам аниқроқ таърифлаш, талқин этиш имкони яратилади.

Дунёни бу хилда ўрганиш, ўзлаштириш оқибатида бевосита кузатишлар натижаларини таърифловчи атамаларни ўз ичига олган эмпирик билимлар эгалланади.

Иккинчи хилдаги дунёни интеллектуал забт этиш ўрганилаётган объектларнинг моҳиятини тушуниб етиш мақсадида амалга ошириладиган таҳлилга асосланади. Бу ерда охир-оқибатда "кузатиладиган ҳодисалардаги сабаб натижали алоқаларни таърифловчи жиҳат"ларни ўз ичига олган назарий билимлар эгалланади.

Дунёни интеллектуал ўзлаштиришнинг ушбу икки хили ўртасидаги ўзаро боғлиқликни В.А.Смирнов билиш босқичларининг қуйидаги занжирини тузиш орқали кўрсатади:

-ўрганилаётган объектни кузатиш ва кузатишлар баённомасини тузиш;

-кузатувлар баённомасининг таҳлили ва кузатилаётган объект хатти-ҳаракатини аниқловчи эмпирик боғлиқликларни излаб топиш;

¹ Смирнов В.А. Методологические проблемы научного познания. — Горький: Волжско-Вятское кн. изд-во, 1970. 165 с.

- ўрганилаётган объект ҳаракатининг у ёки бу кўринишдаги эҳтимолли вариантларини аниқланган боғланишлари ва текширилаётган маълумотлар орқали топиш (башорат қилиш);

- ўрганилаётган объект хатти-ҳаракатининг эҳтимолли (содир этилиши мумкин бўлган кўринишларда) вариантларини асосли тушунтириш имконини берувчи ғоялар ифодаси;

- илгари сурилган ғояларнинг назария даражасига кўтарилиши;

- яратилган назария тасдиқларига мувофиқ бўлган маълумотларни топилган эмпирик боғланишлар доирасида аниқлаш;

- ўрганилаётган объектнинг эҳтимолли хатти-ҳаракати алгоритмларини аниқловчи эмпирик боғланишларни яратилган назария тасдиқларига кўра излаб топиш.

Шундай қилиб, эмпирик боғлиқликларни пайқаш жараёнида "биринчи даражадаги сакраш" сифатида намоён бўлувчи узвийлик амалга оширилади. Ўрганилаётган объект хатти-ҳаракати у ёки бу кўринишларини (содир этилиши эҳтимоли бўлган вариантларини), унинг боғланиш ҳолатини таърифловчи бошланғич маълумотларнинг барча хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда башорат қилиш учун эмпирик масалаларни ҳал этиш давомида амалга оширувчи узвийлик асосидаги билимлар ривожини тақозо этади.

Билишнинг дастлабки икки босқичида қўлга киритилган фактларнинг хилма-хиллиги ва ўрганилаётган объект хатти-ҳаракатининг у ёки бу кўринишларини асосли равишда талқин этиш мумкин бўлган (имконини берган) асосдаги ғоялардан фойдаланиш "иккинчи даражали сакраш" сифатида намоён бўлувчи узвийликни амалга оширишни талаб қилади, чунки аниқ объект моҳиятини чуқур ўрганиш имконини беради.

Кўришиб турибдики, В.А.Смирнов томонидан аниқланган билиш босқичларининг ўзига хослиги

ҳақиқатдан ҳам таълимда билишнинг хилма-хил турдаги узвийлигини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Бу эса ўз навбатида қуйидагиларга боғлиқ:

-билиш босқичларининг таъкидланган занжири "тарих, замон ва генетика билан боғлиқ алоқалар" нинг асосий буйруғини амалга ошириш заруриятини ҳисобга олади (сакраш, узилиш, инкор, бир нарсанинг бошқасига ўтиши, эскиликнинг янгиликка айланишини аниқловчи шарт-шароитлар);

-турли асосларга кўра аниқланган босқичлардаги билимнинг асосий хусусиятлари "алоқа (боғланиш)" тушунчаси билан адекват бўлиб қолади;

- билишнинг аниқланган босқичларидаги узвийлик турлари ўз белгиларига кўра файласуфлар томонидан аниқланган ва уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган узвийлик турларига мувофиқ келади.

В.А. Смирнов аниқлаган турли билиш босқичларида амалга ошириладиган узвийликнинг ўзига хос табиатини ўрганиш билишдаги узвийликнинг ўзига хос табиатини ўрганиш, билишдаги узвийлик механизми негизда умумлаштирилишлар ётган, деган фикрни тасдиқлайди. Ҳақиқатан ҳам ҳолисона айтганда, янги мазмунни доимо ягона предметли зиддиятдан умумий тарзда аниқлаш, шу билан бирга конкрет қайта яратилишда ўзига хосликни кўра олиш билан боғлиқ бўлади. Бу чиндан ҳам шундай, чунки умумкатегория шаклида у ёки бу зиддиятнинг ҳар қайси томони қарама-қарши томони билан аниқланади ва унинг ўзи ҳам шуни тақозо этади. Бошқача қилиб айтганда, қарама-қаршиликларнинг реал айнияти доимо мавжуд бўлади, айнан шу ҳол узвийликни амалга ошириш заруратини талаб қилади, чунки фақат унинг ёрдами билангина мавжуд зиддиятлардан у ёки бу томонларнинг бошқаси (янгиси) га ўтиши ва у билан алоқаси амалга оширилади, бу уларни бошқа томонларидан ушлаб қолиш ва қайта ифодалаш имконини беради.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, узвийлик диалектик тушунча, чунки айнан узвийлик туфайли эскиликнинг алоҳида томони ва хусусиятларини инкор этиш зарурияти ингича шароитларда ривожланиб бораётган объект ва у ҳақдаги билимлар, ундаги ижобий белги ва сифатни ушлаб, сақлаб қолиш ва ривож-лантириш зарурияти билан бир бутунликка бирлашади. Бундан ташқари, ҳар қандай билим тараққиётнинг зиддиятлилиги, шакл ва усуллардаги ранг-баранглик, эскилик ва янгилик орасидаги алоқаларнинг зиддиятлилиги билан талқин этилади. Билим тараққиёти жараёнининг дидактикаси, ўз навбатида, билим тараққиёти жараёнида амалга ошириладиган алоқалар усули сифатида намоён бўлувчи узвийлик диалектикасини ҳам белгилайди.

ИЖТИМОЙ БИЛИШДА ИЖОДИЁТНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Ҳар бир фан инсон фаолиятининг маънавий шакли сифатида объектив борлиқнинг маълум бир соҳасини тадқиқ қилиб, табиат, жамият ва билиш ҳақидаги билимларни яратишга йўналтирилган бўлади. Фан янги билимларни ҳосил қилиш соҳасидаги ижодий фаолият бўлиб, ушбу фаолиятнинг натижасидир. Фаннинг бевосита мақсади — реал фактлар ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини умумлаштирувчи объектив қонунларни кашф этиб, ҳақиқатга эришишдир.

Олим томонидан танлаб олинган муаммонинг қиммати табиий илмий билимлар учун ўзгармас бўлиб қолаверади. Инсон бу қонунларни англаган ёки англамаган ҳолда бажаради, меҳнат қилади ва яшайди.

Агар гравитация қонунларига риоя қилинмаганда, Ернинг сунъий йўлдошларини фазога учуриш ва коинотни ўзлаштиришнинг имкони бўлмас эди. Бинобарин, бактериялар ва уларнинг ҳаётий фаолияти ҳақидаги билимларга эга бўлмай туриб, турли хил эмлаш дори-дармонларини яратиб бўлмасди.

Табиат ҳодисаларини билиш методлари ва воситалари билан тадқиқ қилиш фаннинг ҳар бир ривожланиш даврига хос бўлган ижтимоий-маданий дастурлари ва қадриятларига йўналтирилган муайян тизим билан боғлиқ бўлган. Қатъий равишда формаллаштирилган табиат-шунослик қонунлари объектив воқеликдаги муайян муносабат ва алоқадорликларни акс эттирувчи математик тенгламаларда ифодаланган.

Умуман, фан инсон ҳаёти ва онгининг ҳар қандай феноменларини, инсон руҳиятини, фаолиятини, маданиятини тадқиқ қилиши мумкин. Фақатгина бир нуқтаи назардан, яъни, объектив қонунларга бўйсинувчи алоҳида, ўзига хос бўлган предметлар сифатида ўрганати.

Фан оламни билишнинг барча шакллари, барча маданиятлар ўрнини боса олмайди.

Фан ўргана олмайдиган қолган барча нарсаларни оламни англаш, ўрганиш, билиб олишнинг бошқа маънавий шакллари – санъат, дин, маънавият, фалсафа орқали амалга оширилади.

Ижтимоий билиш – илмий билишнинг ўзига хос сифати бўлиб, ижтимоий билиш алоҳида илмий билим сифатида объектлар ва уларнинг хусусиятларини ўрганувчи табиий-илмий билимдан фарқли ўлароқ, инсонлар ўртасидаги муносабатларни ўрганади, тадқиқ қилади. Ижтимоий билиш, юқорида айтиб ўтилганидек, нарсалар ва уларнинг хусусиятлари билан иш тутмайди, балки маълум бир қизиқиш ва ҳаваслар, дунё ва идеал дунё, объективлик ва субъективлик, амалга оширилган маълум бир мақсадлар тўқнашувида зоҳир муносабатлар дунёсидир.

Ушбу субъектив ва объектив қадриятлар таҳлили орқали тадқиқотчи муаммога нисбатан ўзининг муносабатини билдиради.

Тадқиқотлар инсоннинг сиёсий дунёқарашига, маънавий эътиқодларига, ўзига хос шахсий тамойилларига асосланади. Инсон демократ, либерал, авторитар ва бошқа хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Ушбу қадриятлар тизими олинадиган билимлар мазмун-моҳиятини белгилаб беради. Қадриятларнинг асосий мазмуни бу эътиқодлар, маънавий қарашлардан келиб чиқади. Уларнинг қуйидаги турлари мавжуд.

1. Моддий қадриятларда предметлар (объектлар) яхшилик (объектив) ва ёмонлик, ҳақиқат ва ёлгон, гўзаллик ва хунуклик, адолат ва адолатсизлик кўринишида баҳоланади.

2. Субъектив қадриятларда кўрсатмалар, турли таъқиқлар, баҳолар, меъёрий тасаввурлар шаклида инсон ҳаётий фаолиятини йўналтирувчи омиллар сифатида ахлоқий, маънавий, диний, демократик қадриятлар ва ҳ.к кўринишида гавдаланади.

Ижтимоий-гуманитар билиш — инсон турмушини ҳар доим қадриятли, маъноли(мазмун-моҳиятли) ўзлаштириш, эгаллаш ва мавжудотни тиклаш, асл ҳолига келтиришдир. "Маъно" ва "қадрият" тушунчалари бунда алоҳида аҳамият касб этади. Инсон ҳаётининг маъноси — унинг маънавий-руҳий йўналишидир.

Нима сари? Нима учун? каби саволлар ижтимоий билиш ва қадриятлар ўртасидаги узвий боғлиқликни билдиради.

М. Вебер концепциясига биноан, ҳар қандай билиш (биринчи навбатда, ижтимоий-илмий) олимнинг қадриятлари, қизиқишлари ва иштиёқи билан муқаррар боғланган бўлади. Бундан келиб чиққан ҳолда, одамлар "маданиятли" жонли мавжудот сифатида оламнинг моҳиятини англамай туриб, баҳоламасдан уни ўргана олмайдилар.

Тадқиқотчи томонидан танлаб олинган манба одамларнинг билимларини ва ахлоқини, феъл-атворини белгилаб берадиган, таърифлайдиган муҳим бошқарувчилари бўлмиш қадриятлар улар томонидан ўзбошимчалик билан, мустақил равишда қабул қилинган қарор натижаси эмас, балки маданият, давр руҳи маҳсулидир.

Улар ҳамиша мазмун-моҳиятни, муҳим маънони мазмунсизликдан, маъносизликдан ажратиб оладиган конкрет тарихий характерга эга. Улар ҳам вақт ўтиши билан ўзгариб, маданиятнинг янги шаклланадиган тушунчаларида ўз аксини топади.

Ушбу муносабат ва нуқтаи назарлардаги мазкур ўзгаришлар тадқиқот объектининг янги қирраларини ва томонларини очиб беришга имкон яратади.

Ижтимоий ҳодисалар, турли ташқи таъсир омиллари орқали вужудга келадиган катта флукуацияларга йўлиқадилар, яъни тизим дам-бадам, тез-тез мутаносибликдан анча узоқ ҳолатга ўтиши, мувозанат бузилиши мумкин. Кичик флукуациялар кичик ўзгаришлар, тасодифий таъсирлар бифуркацияларга, яъни тизим ҳолатининг кескин ўзгаришларига олиб келади. Иккига

ўки тармоқларга бўлинишни билдирадиган бифуркация нуқтасида тизим ривожланишининг эҳтимолий йўллари мужассамлашган. Тизим қайси йўлни танлаб олиши маълум даражада тасодифий омиларга боғлиқ бўлади ва ижтимоий тизим хатти-ҳаракатларини тўғри, муайян исботлаш мураккаб вазифа.

Бифуркация атамаси А. Пуанкаре томонидан киритилган. Бифуркация жараёнлари ривожланишининг, тараққиётнинг барча жараёнларида кузатилади. Масалан, инқилобий жараёнлар бифуркациянинг ўзига хос типик кўринишидир.

Синергетика концепцияси рус олими И.Пригожин таъкидлаганидек, «динамика рационалистик моделининг муқаррар натижасидек тасаввур зоҳир қиладиган детерминизм ҳозирги пайтда айрим-айрим ҳолларда намоён бўладиган вазиятларда пайдо бўлади». Шу билан бирга бир қатор тасодифийлик тушунчаси ҳам ўзгаради, унинг таъсирчанлик омили тизимнинг кейинги ривожланишида ҳал этувчи омилга айланади. Синергетик ёндашувлар объекти жонсиз табиат, биологик, ижтимоий-маданий жараёнлар, таълим, фан, маданият ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатда улар диссипатив тузилмалар сифатида мутаносибликдан узоқ очиқ тизим ҳолида тадқиқ қилинади. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, тизимни юзага келтирувчи кўрсаткичларнинг муайян даражаларида бифуркация ҳолатини кескин ўзгартириб юборадиган мувозанат йўқолиши, номутаносиблик вужудга келади. Синергетика нуқтаи назаридан жамиятнинг ҳозирги ҳолати тартибсизлик, мувозанат бузилиши, хилма-хиллик, номутаносиблик каби бир қатор омилар билан таърифланади.

Жамиятнинг шу каби ҳолатлари тараққиёт тамойилини излаш, йўлларини танлаб олиш имконини яратади. Танлов онгсиз диссипатив тизимларни эмас, балки тирик ҳаёт, одамларни, уларнинг ғоялари, кечинмалари, фикрлари ва ҳ.к. орқали амалга оширилади.

Маълумки, И. Пригожин "материянинг юқори фаоллиги экстримал максимумдан узоқроқда пайдо бўлишига, унинг яқинлашиши эса акс қайтарув жараёнига сабаб бўлади", деган ғояни илгари сурган. Ижтимоий воқеликда эса бу вазият иқтисодиётдаги мувозанат бузилишига, номутаносибликка олиб келади.

Ижтимоий тизим ривожланишининг ўтиш давлари ижтимоий зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар зўрайиши, кескинлашиши билан таърифланади. Ижтимоий тизимнинг кейинги ривожланиши бифуркацион бўшлиққа бўлган тасодифий таъсирга қарам бўлиб қолади. Табиий шароитда таъсир кучини олдиндан башорат қилиб бўлмайди, аммо ижтимоий тизим ривожланишининг эҳтимоллик даражасини, имкониятларини, табиий тизимлардан фарқли ўлароқ, муайян бир ижтимоий гуруҳ, бирон-бир шахс ёки давлат томонидан кўрилаётган чоралар билан бошқариш мумкин. Бундай бўлиниш нуқтасида эски тизимдан янги тизимга ўтиш даврида тасодиф таъсири янги тизимларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Барча тасодифларни ҳисобга олиш ва уларни ижтимоий тараққиётга таъсирини олдиндан башорат этиш маълум бир кичик даражада амалга оширилиши мумкин.

Рус олими Г. Рузавин таъкидлагандек, "... бифуркация ёнида келажак ўтмишни аниқлайди, ушбу чақирувга эргашиб бориш, қанчалик у паст овозда бўлмасин, қанчалик кундалик турмуш шовқини, долзарб тўстўполон, ғала-ғовур билан ўчирилмасин, барибир, қайсидир маънода керакли томонга қадам босишни таъминлайди". Биринчи қадам энг муҳими. Бунда келажакда имкон қадар бир қанча эҳтимолий йўналишлардан энг тўғри йўлни танлаб оладиган шахснинг индивидуал роли муҳим. Инсоният цивилизациясининг тараққий йўларини танлаш бўйича алоҳида аҳамият касб этган тарихий шахс фаолиятини илм-фан ва жамият ривожланиши тарихида кўплаб кузатиш мумкин.

Ижтимоий билишда микроскоп ёки кимёвий реактив каби мураккаб техник асбоб-ускуналардан фойдаланиш мумкин эмас. Бунда мустасно тариқасида тадқиқотчининг дунёқараши, тафаккури, у қўлаган метод ва усуллар муҳим аҳамият касб этади.

Табиатшуносликни англаш, уни ўрганиш шакли монологдир. Инсон табиий ҳодисаларни ўрганиб, тадқиқ қилиб, ўзини қизиқтираётган саволларга жавоб топади. Гуманитар фанларда билиш шахслар ўртасидаги мунозара, диалог тарзида шаклланади. Диалог ва мунозара субъектлар, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги информатик ва экзистенциал ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатни таъминлайди. Натижа бир-бирини тушунишга боғлиқ. Тушуниш — бу герменевтика категорияси. Тушуниш орқали билимлар алмашилади. Билимни сақлаш ва бериш Гермес (қадимий Юнон худоларидан бири) исми билан боғлиқ. Қадимги Юнон мифологиясида Гермес Олимп худолари элчиси сифатида тасвирланган. У одамларга худоларнинг буйруқ ва хабарларини етказиб турган эмиш. Ўзи етказётган матнни талқин этиш ва тушунтириш унинг вазифасига кирган.

Ҳозирги кунда герменевтиканинг фалсафий асоси бўлиб икки нарса хизмат қилади.

Неокантчиликка кўра, руҳий олам ҳақидаги фанлар гуманитар соҳа табиат тўғрисидаги фанларга зид туради).

"Ҳаёт фалсафаси" — ижтимоий ҳодисаларни билишда "тушуниш" ва интуицияга асосланиш.

Герменевтикада матн талқини, матнни тушуниш, бу жараёндаги муҳит, санъатнинг хусусиятлари ҳақидаги қарашлар хилма-хилдир. Фарб герменевтиказининг вакили Х. Гадамер фикрича, тадқиқотчи матнни тушунишда анъана ва тилни билса етарлидир. Унингча тарихий ҳодиса билан боғлиқ барча муносабатларни узиш асарнинг асл қимматини аниқлаш имконини беради.

Файласуф Гадамер тушуниш фақатгина англаб етувчи инсонлар шахсий афзал кўрган тахмин ва фаразларини ишга қўшганда вужудга келиши мумкин, деб ҳисоблайди.

Гадамер учун герменевтика — бу амалиёт, маънога маъно бериш бўйича фаолият, йўл-йўсиндир. Бунинг асоси эса тажриба ва билимнинг ўзаро уйғунлиги ҳисобланади.

Э.Бетти қарашича эса, тушуниш учун тадқиқотчининг субъекти кучли бўлиши, субъектнинг максимал даражадаги фаоллашуви лозим. Талқинчининг ўзида тарихий ўтмишни жонлантириш тушунишга олиб келади, яъни индивид кучи тушунишда асосийдир, дейилади.

Брюнетер назариясига кўра, бадий асарни ўрганишда унинг яратилган замонаси билан муносабатини аниқлаш, тадқиқ этишнинг ўзи биланоқ, талқинни тугатса бўлади.

Геннекен қонунига кўра, ўқувчи асарни тушуниш учун унинг ижодкори билан бир хил, ташқи таъсирдан ҳосил бўлувчи ҳолатга эга бўлиши лозим.

Бизнинг тушунишимизда тил ҳодисаларни, воқеаларни, алоқаларни тартибга солувчи муҳим омил ҳисобланади. Тил ёрдамида бизнинг тушунчаларимизда акс этириладиган инсонлар ўртасидаги муносабатлар, ўзаро яшаш принциплари, яшаш мўлжаллари барпо этилади. Тушуниш, англаш — бу билим олувчи, ҳаракат қилувчи ва баҳоловчи одамнинг яшаш тарзидир.

Табиат ҳақидаги фанларда сабабият асосида тушунтириш, умуман тушунтириш етакчи. Гуманитар соҳаларда бўлса, тушунтириш эмас, тушуниш бош масаладир. Герменевтика ҳақиқатларнинг кўп бўлишини қувватлайди. Чунки фалсафий рисола ёки ўтмишда яратилган бадий асар ва умуман, маданият тарихидаги ҳар қандай феномен, тамомила инсон қабул қилишининг индивидуал жиҳатлари билан боғланган.

Тасаввуфда устоз ва шогирд ўртасидаги мураккаб муносабатларга алоҳида аҳамият берилган. Бир қатор фаолиятлар орасида устознинг вазифаси шогирдини келажакка руҳан тайёрлаш, унга тўғри йўлни кўрсатишдан иборат. Шогирд ўз ақл-идрокини, онгини турли субъектив тахминлар, фаразлардан халос этиши, улардан

кутулишни англаши даркор. Бунга эришмасдан шогирд ўзи танлаган йўлнинг моҳиятини тушунмайди, табиий-ви, мақсадига этишолмайди.

"Ақл-идрокинг, онгинг дарғаларини оч, тушуниш, англаш вақти етиб келган паллада, сен бўлса фақир-қашшоқсан, у эса бой, мўл-сероб" дейилган. Тушуниш, англашга бўлган эҳтиёж инсон ақли, идроки, онги, заковати, тушунишлари орқали билимга олиб боради. Тушуниш (англаш) — бу ижтимоий билишнинг муҳим, аҳамиятли таърифи ва у матн, белги, маънолар мазмун-моҳиятига етиб бориш санъати, моҳирлиги, талқин этиш, фикрлаб олиш билан чамбарчас боғлиқ. Герменевтика жиҳатидан тушуниш — бу ёндашувлар, методлар, усуллар хилма-хиллигида намоён бўладиган чексиз, беҳад жараёндир.

Файласуф Д. Дильтей герменевтиканинг асосий, бош қоидаларини ишлаб чиқди. Улар: адабий ёдгорликни (қадимий асар) изоҳлаш, унинг юзасидан мулсҳаза юритиш, чин мазмун-маънога, чин мазмун-мақсадга, асл мазмун-моҳиятга етиб олиш йўллари ўзини муаллиф билан уйғунлашган, мужассамлашган ҳолда тушуниб етишдир.

Матн муаллифининг руҳиятига, маънавий дунёсига кириб бориш матнни яратишдаги маданий дунёни қайтадан тафаккур қилиш, бошқатдан яратиш билан боғлиқ. Шахс кечиб ўтган, ўзидан ўтказган барча нарсалар ўзини ўзи англаш, тушуниш орқали онга етиб боради. Одамлар ўзини ўзи тушуниб етиб, бошқаларни тушуниб етишга эришади, сўнгра эса индивид шахслар ўртасидаги мавжуд умумийликни, уйғунликни англайдилар.

Хайдеггер фалсафасида тушуниш методдан, усулдан борлиққа, воқеликка нисбатан бўлган специфик инсоний муносабатга айланади. Инсон ўз ҳаётига, турмушига, яшашига, умрига, умуман борлиғига тушуниб етган ҳолда, англаган ҳолда муносабатда бўлади, қарайди. Инсон ўз тасавурида ўзини ўзи англайдиган, ўзини тушунадиган

мавжудот деб ҳисоблайди. Инсон ўзини ушбу дунёда, оламда одам яшайдиган бир усул деб тушунади. Хайдеггер фикрича (тушуниш) англаш — инсон тафаккурининг асоси, негизи, аммо унинг хулқ-атвори, юриш-туриши, ахлоқ-одоби, хатти-ҳаракати эмас. Муайян бир шароитда шаклланадиган тушуниш қобилияти ўз ичига бус-бутун оламни, ҳаётни, умуман, борлиқдаги барча билимлар мажмуини қамраб олади.

Талқин ҳақидаги қарашлар қанчалик турли-туман бўлмасин, улар икки асосий йўналиш атрофида бирлашади. Булар, тарихийлик ва назарийликдир. Тарихийлик оқимига асар матнини талқин қилишда у яратилган ёки талқин этилишидаги тарихий воқелиқдан келиб чиққан, умуман, тарихий конкрет факт асосида талқин этувчи йўналишлар киради. Назарий йўналиш бўйича асар талқин этилар экан, бунда асарга у қаерда, қайси муҳитда яратилганидан қатъи назар, санъат қонунлари асосида ёндашилади.

Фалсафий тушуниб етиш ва тушунтириб беришдаги маънода тушуниш (англаш) гносеологик мавқеи билан биргаликда аксиологик тус олади, шунингдек, инсонлар умумжамиятини барпо этиш, вужудга келтириш, тартибга солишда амалий аҳамиятга эга бўлади. Билимнинг герменевтика йўли дунёни, оламни англаш, билиб олишдир.

Билимнинг, ўрганиб олишнинг герменевтик йўли оламни, дунёни англаш, тушуниб етиш фонида муваффақиятли, жадал суръатда ривожланаяпти, ушбу фонда мавжуд илмий билимлар шахслар томонидан ўзлаштирилаётган билимларда кузатилаяпти. Герменевтика илмий билимларни амалий онгга кўчириб ўтказаяпти. Ижтимоий тадқиқотлар объекти — бир йўла объект ҳам, субъект ҳам ва субъектнинг ижтимоий характерга эга барча объектларга аралашувидир.

Тушуниш хилма-хил нарсаларни билдириши мумкин. Фақат қайси вазиятларда, қандай қилиб ижтимоий ҳодисаларни англашда тушуниш ишлатилишини аниқлаш

лозим. Кўп сонли ёндашувлар орасида "ўзини ўзи шакл-лангириш мақсадида англаш"ни ажратиш мумкин. Бу ҳолда объект унга таъсир этиш мақсадида эмас, балки муайян ижтимоий маданий шароитларда субъектнинг ўзига қандай ҳаракат қилишини тушуниб етиш мақсадида ўрганилади.

Ҳозирги мураккаб ижтимоий зиддиятлар, кескин вазиятлар, жиддий муаммолар шу каби кўрсатмаларни, дастурларни, йўл-йўриқларни талаб этади.

Ҳар қандай тушунчани ишлатаётганда, аввало, томонлар ушбу тушунчага қандай маъно беришини тушириш лозим. Гап сўзлар маъносининг яхлит, бўлинмас тушунчаси тўғрисида кетмоқда. Табиатшуносликда илмий тушунчалар муштараклиги у билан ифодаланадиган, уни ишлатаётган барча одамлар учун зарур. Тушунчаларнинг асл, чин маъноси одамларнинг шахсий эътиқоди, дунёқараши, нуқтаи назарига боғлиқ бўлмайди. Сўзлар маъносини яхлит тушуниш шахснинг индивидуаллиги билан боғланмаган.

Баъзи бир фалсафий адабиётларда таъкидланганидек, тушунишни фақат иррационал акт сифатида тасниф қилиш ноўрин. Унда иррационаллик хусусиятлари мавжуд бўлсада, у зинҳор асосий жиҳат бўла олмайди. Бироқ, унинг аҳамиятига эътибор бермаслик, герменевтик мулоҳаза ва хулосалардаги иштирокини мутлақо инкор қилиш мумкин эмас. Тушунишни англашни интуиция ва идрок билан аралаштириб бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси тушуниш жараёнида иштирок этади. Тушуниш инсоннинг объектив оламни билиш жараёни билан узвий боғлиқ, бироқ у тўла билиш фаолияти сифатида қабул қилинмайди.

Билиш — тушуниш объектидир. У тадқиқот натижасидан келиб чиқади, шахсий тажрибадан эмас. Бу факт қоидаларига бўйсинадиган, уларни осон текшира оладиган, қайта ташкил эта оладиган ва мантиқий кетма-кетликда тера оладиган умумий билишдир.

Билишга тегишли бўлган барча жараёнлар ижтимоий билишга хосдир. Ижтимоий билиш ўрганилаётган воқеликнинг сифатига бевосита эътибор қаратади. Бунда ҳодиса ва жараёнлар, энг аввало, сон ва рақам, аниқ натижалар нуқтаи назаридан эмас, балки, сифат ва индивидуал аҳамият, қадр нуқтаи назаридан ўрганилади.

Баъзида "тушуниш" ҳисси "тамомланган", "охирига етказилган", "яхлит", "бус-бутунлик" туйғуларини билдиради, чунки илгари бир-бирига алоқаси йўқ нарсалар, ҳодисалар, яхлит бўлинмас бутунликка айланади, қолади.

Тушуниш — орқага қайтариб бўлмайдиган жараён, бир пайтлар тушуниб, англаб етилган нарса кейинчалик "тушуниб бўлмайдиган, англаб бўлмайдиган" нарсага қайта айланмайди. Тушуниб етиш, англаб етиш аста-секинлик билан кетма-кет ривожланади, тобора ошиб, ривожланиш чоғида аниқ шаклланиб, ўз тузилмасига эга бўлади.

Агар субъект бирон-бир ғояни тушунган бўлса, у ҳолда субъект ушбу ғояни олдинлари бегона ёки янги, шунга монанд материалларда ишлатиши мумкин. Тушунишни амалиётда қўллаш — бу бошқа бирор инсонга, шахсга изоҳлаб бериш демақдир, осонлаштириш ва тушуниб олганларни қўллаш деганидир.

Бу ерда тадқиқот қилинадиган, текшириладиган предметни индивидуал тушуниб етиш, англаб олиш қобилияти шаклланади, ўзгараётган ҳодисалар ҳақида субъект ўзининг шахсий тушунчасига эга бўлади. Ўз ўрнида бу оламни, дунёни кўра билишни бойитади. Англаш шахсни эркин қилади, илмий ва амалий фаолиятда қарорларни қабул қилишда мустақиллик бахш этади.

Ижтимоий муносабатларни фавқулодда мураккаб-лаштириш тадқиқот методларининг, текшириш усулларининг хилма-хиллигини талаб этади. Мазкур тезисни Франкфурт мактаби намояндалари ҳам таъкидлаганлар. Улар дастлабки онгли ривожланишнинг барча салбий тамойилларини ўз ичига тўлиқ қамраб олган

индустиал жамиятнинг мураккаб, зиддиятли, бир-бирига қарама-қарши бўлган ҳодисаларини чуқур таҳлил этиб, ижтимоий назариянинг фалсафий, методологик ва дунёқарашли асосларини, негизларини тадқиқотдан ўтказганлар. Ижтимоий воқеликнинг фалсафий-методологик таҳлилида, унинг тушунчалари билан бир қаторда психо таҳлил, табиат ва жамиятни қиёслаш, таққослаш, инсон субъективлиги руҳий ва жисмоний туб моҳиятининг иккига бўлиниши каби тушунчалари билан бирга ишлатилади.

Ҳозирги вақтда ижтимоий зиддиятлар кескинлашиб кетаяпти. Фашизм, жаҳон урушларини ўтган аср асоратлари деб ҳисоблаймиз. Бугунги кунда улар ўрнини қатор ёвузлик, даҳшатли, қонли, ғайриинсоний ҳаракатлар босаяпти, одамлар кундалик ҳаётига фалокатлар, табиий офатлар, ташвишлар, тартибсизлик, безовталиклар кириб келаяпти.

Шунинг учун ижтимоий воқеликни англаб олиш тадқиқотнинг турли методларини, усулларини, жамият тўғрисидаги замонавий назарий қоидаларни қўллашни тақозо этади. Бинобарин, ижтимоий фаолиятни англаш, тушуниб етишнинг таҳлили, тадқиқот объекти мураккаблигини яққол намоён этаяпти. Улар муайян назарий-методологик ёндашувлар билан биргаликда замонавий жамиятнинг хусусиятларини билиш, тушуниш, англаш тўғрисидаги тасаввурларимизни тартибга солади, билим назариясининг методологик салоҳиятини оширади.

ИЛМИЙ ИЖОДИЁТНИНГ РАЦИОНАЛЛИК ВА НОРАЦИОНАЛЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ижод бу инсоннинг табиат бойликларини онгли равишда ўзлаштириши давомида янги моддий ва маънавий бойликлар яратиш, шунингдек, ўзининг қобилиятларини ривожлантириш жараёнидир. Иммануэл Кант ижодий билиш фаоллигини "ақлнинг хавф-хатарли фаолияти" деб таърифлаган эди. Инсоннинг ўзини қуршаган оламни теран ва мукамал билишга интилишида жасорат ва матонат кўрсатиши онг ижодий фаоллигининг ёрқин ифодасидир.

Инсон олдида турган вазифаларни ҳал қилишга ижодий ёндашиш — инсон руҳи, ақл-заковатининг олий ифодасидир. Воқеликни ижодий, фаол ўзлаштириш муҳим элементни — илмий муаммонинг мақбул ечимини излаш ва топишдаги "ижод машаққатлари"ни ўз ичига олади. Шахснинг билиш қобилиятлари айнан илмий ижодда тўлақонли намоён бўлади. Калифорниялик машҳур психолог Ж.Гоуэн бу ҳақда шундай деб ёзган эди: "Даҳо шахслар бир мушоҳада юритиш жараёнида кашф этадиган нарсаларга оддий истеъдодли одамлар узоқ ва машаққатли меҳнат натижасида эришиши мумкин".¹

Илмий ижодиёт бу билиш шакллари ва унсурларини рационал ва норационал тарзда ҳаракатлантириб, янги, бетакрор назарий ва технологик қадриятларни яратишга қаратилган тадқиқот фаолиятидир. Ҳар қандай ижодий фаолият руҳиятдаги рационал ва норационал жараёнларнинг мураккаб ва зиддиятли ўзаро таъсирининг натижаси сифатида содир бўлади. Бу

¹ Проблемы научного творчества. Сборник аналитических обзоров. М.: 1981. С-183

жараёнларнинг юзага келишини моддий ва маънавий асосиятга эга бўлган асослар, қонуниятлар ва омиллар тақозо этади.

Илмий ижодиёт ниҳоятда мураккаб руҳий-интеллектуал ҳодиса бўлиб, уни рўёбга чиқарадиган таркибий қисмлар мураккаб тизимни ташкил қилади, улар бажарадиган функциялар рационал-мантиқий ва флукуацион (ногаҳон, кутилмаганда содир бўладиган) жараёнлар кўринишида намоён бўлади, унинг объектив ва субъектив асослари, механизмлари мавжуддир.

Айрим муаллифлар илмий ижодиётнинг шундай таърифини берадиларки, ундан инсоннинг ижодий фаолияти фақат рационал (ақлий, оқилona жараён) ҳислатга эга деган хулоса келиб чиқади. Бундай ёндашувга кўра илмий ижодиёт ижоднинг олий шакли бўлиб, у нарсалар моҳиятининг адекват, аниқ инъикосини беради (Г. Гиргинов). Бунда илмий ижодиётнинг нораціонал жиҳатлари ҳисобга олинмаган. А.Т.Шуминининг фикрича, ижодиёт назарияси — бу кашфиёт ва ихтиро қилиш назариясидир.

Илмий ижодиётнинг рационал ва нораціонал жиҳатлари руҳий фаолиятда намоён бўлади, руҳиятнинг ўзи эса мураккаб тизимга эга бўлган, онг ва тафаккурга нисбатан кенгроқ маънавий ҳосилладир. Илмий ижодиёт жараёнида, айтиш мумкинки, умуман инсоннинг билиш фаолиятида руҳиятнинг барча жиҳатлари, шу жумладан рационал ва нораціонал қисмлари, унсурлари фаол иштирок этади.

Илмий ижодиётда нораціоналлик мантиқий рационаллик билан бирга ўзининг турли кўринишлари — Фрейд кашф этган онг ости жараёнлари, руҳий ҳолатлар, интуиция, туш кўриш пайтида содир бўладиган нораціонал фикр, спонтан (чалкаш, ноаниқ, бетартиб) хаёл қилишлар орқали намоён бўлиб, фундаментал тадқиқотлардаги илмий янгилик, кашфиёт ва ихтироларнинг юзага келишида катта рол ўйнайди. Кимёвий элементлар даврий жадвалининг яратилиши

Д.И.Менделеевнинг туш кўриш пайтида нораціонал тафаккур тарзида содир бўлса, Архимедда — интуиция шаклида, А.Пуанкаре тадқиқотларида — спонтан хаёл суриш жараёнида, Бальзак, Шиллер учун руҳий кўрсатма шаклида содир бўлган. Туш кўриш жараёнида нораціонал тафаккур орқали ижод содир бўлиши Ибн Сино ва ал-Хоразмийлар фаолиятида ҳам мавжуд бўлган.

Тафаккурда рационалик ва нораціоналик нисбати мусулмон Шарқ фалсафасида ҳам талқин этилган. Нораціонал тафаккурга илмий ёндашиш, уни ижодиёт учун хос жараён деб ҳисоблаш ал-Хоразмий ва Ибн Сино тадқиқотларининг хусусиятидир. Аксарият Фарб ва рус тадқиқотчилари мусулмон илоҳиётида, хусусан, тасаввуф фалсафасида интуиция — қалбан, ғойибона билишнинг олий шакли, деб эътироф этадилар. Ваҳоланки, Ғаззолий ва Ғиждувоний томонидан ишлаб чиқилган тасаввуф тариқати тартиб-қоидалари рационал тафаккур услубига асосланган ҳолда Ҳаққа — илоҳий ҳақиқатга эришишни кўзда тутди.

Нораціоналликка мистик ёндашув схоластик фалсафа ҳукмрон бўлган ўрта асрлар ҳамда Уйғониш даврига хос бўлган. Нораціонал тафаккур билиш жараёнининг ўзига хос шакли эканлигини янги давр файласуфлари Декарт, Спиноза, Лейбниц ва Локк таъкидлашган.

Немис классик фалсафасининг етук вакили Гегель билиш жараёнида нораціонал тафаккурни умуман инкор қилса, А.Шопенгауэр ва «Ҳаёт фалсафаси»нинг намояндалари Ф.Ницше, А.Бергсон ва бошқа интуитивистлар уни билишнинг энг олий шакли, деб эътироф этадилар.

Илмий ижодиётнинг муҳим объектив асосларидан бири амалиётдир. Инсоният тарихида деярли барча кашфиётлар, ихтиролар, фундаментал тадқиқотлар ижтимоий эҳтиёждан, амалий зарурият талаби билан яратилган. Шунинг учун амалий фаолиятнинг структураси, мантиғи, ундаги стихияли унсурлар, жиҳатлар ижодиётнинг рационал ва нораціонал

хусусиятлари намоён бўлишининг манбаи ва омили ролини ўйнайди.

Иккинчи турдаги объектив асосга мисол қилиб инсон руҳини, руҳий фаолиятининг субстрати бўлган миани кўрсатиш мумкин. Ўнг ва чап ярим шарлардан ташкил топган бош миа инсон руҳий фаолиятининг биофизиологик субстратидир. Миа ярим шарлари онгли фаолият функцияларини турлича тақозо этади. Мианинг чап ярим шари мантиқий фикрлаш, рационал фаолиятни юзага келтиришга ихтисослашган бўлса, инсон руҳиятининг нораціонал фикрлаши ўнг ярим шарнинг функционал фаоллиги натижасидир.

Илмий ижодиётда рационаллик ва нораціоналлик жиҳатларининг нисбати бир залда турмайдиган, қаракатчан ҳолатни билдириб, унинг миқёси муаммонинг қўйилиши ва ишлаб чиқилиши, мавжуд тасаввурлар ва тадқиқот усулларини тушуниш ва тушунтириш қобилияти, тадқиқотчининг психологик хусусиятларига боғлиқ бўлиб, ўз моҳияти билан зиддиятли, диалектик хусусиятга эга.

ГНОСЕОЛОГИЯДА КОПЕРНИКОНА ИНҚИЛОБ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ- ФАЛСАФИЙ АҲАМИЯТИ

Билиш фалсафанинг муҳим соҳаси бўлиши билан бирга кишиларни азалдан қизиқтириб келган масалалардан бири ҳам ҳисобланади. Билиш масаласи турли даврларда ижтимоий онгда ҳукмрон дунёқарашга мувофиқ тарзда таҳлил этилган. Яъни, ижтимоий тараққиётнинг илк даврларида оламни мифологик тарзда идрок этиб, одамлар онгида воқеликни афсона ва ривоятларга таяниб англашга, билишга уриниш кучли бўлган бўлса, кейинчалик бу дунёқараш ўрнини диний дунёқараш эгаллаши натижасида билиш объекти ўзгариб, субъект фаолиятида ёки ижтимоий онгда ҳукмрон бўлган илк борлиқ ёки яратувчи сабаб ҳақидаги таълимотлар эгаллаган.

Ижтимоий тараққиётнинг ривожланиши, денгиз йўлларининг кашф қилиниши, феодал муносабатлар ўрнини капиталистик муносабатлар эгаллаб, ҳунармандчиликдан мануфактураларга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш олам ҳақидаги илмий билимларни ривожлантиришга ва тажрибавий фанларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. XIV-XVI асрларда Европада амалга оширилган илмий кашфиётлар қайсидир маънода ҳозирги замон фанлари вужудга келишига ва табиат тўғрисидаги билимларда тўнтариш ясалишига олиб келди.

Маълумки, табиатшуносликда тўнтариш поляк астрономи Н. Коперник томонидан амалга оширилган эди. Билиш соҳасида эса бундай тўнтариш немис классик файласуфи И. Кант томонидан амалга оширилди.

Кант замониғача билиш масаласидаги бир ёқламалик, билишда гоҳ ҳиссий билишни устун қўйиб, бирдан-бир билиш манбаи сезгилардир, дейдиган сенсуалистлар ва

унга қарама-қарши оқим сифатида вужудга келган, билишда ақлни асосий манба сифатида эътироф этувчи рационалистлар ўртасидаги тортишувлар ва турли хил нотўғри чиқарилган хулосалар Кантнинг бу соҳада фаолият олиб боришига туртки бўлди.

Янги давр фалсафасининг бошловчиси ва материалистик дунёқарашнинг Англия ва бошқа Фарбий Европа мамлакатларига ёйилишига ўз таълимоти билан катта ҳисса қўшган мутафаккир Ф. Бекон илмий фаолиятида бу масала ўзига хос тарзда талқин қилинади. Унинг эътироф этишича, фан бахтли жамият барпо этиш учун шарт-шароит яратувчи табиат устидан ҳукмронлик воситаси бўлиб хизмат қилади¹. Бекон ўрта асрларга хос париги дунёда жаннатда яшаш ёки жаннатни кутиб, бу дунёни азоб-уқубатларда ўтказишга қарши чиқиб, қаттиқ танқид қилади. У ўзининг таълимотида мавжуд дунёда жаннатни барпо этиш мумкинлигини ва унинг янги воситаси (янги Органон) ёрдамида янги жамият (янги Атлантида)ни қуриш мумкинлиги билан ўз ғояларини асослашга ҳаракат қилади. У ўзининг "Билим — бу кучдир" дея илгари сурган шиорида ҳам ўз ғоясини яққол ифодалаганлиги сезилиб турибди. У ер юзида инсонлар париги дунёдан кутадиган барча нарсаларни бахтли, фаровон ҳаётни, мўл-кўлчиликни, яъни "жаннат"ни мавжуд яшаб турган ҳаётда, ерда барпо этиш мумкинлигини асослайди. Бунинг учун билиш жараёнида тажрибадан, индуктив методдан фойдаланиш кераклигини таъкидлайди. У ўз таълимотида фан инсоннинг табиат устидан ҳукмронлик қилишини таъминлаб бериши ва фан сингари табиат ҳам инсон учун хизмат қилиши лозимлигини айтади. Фаннинг ривожига ва олам тўғрисида аниқ илмий тасаввурлар шаклланишига бир қанча идоллар (насл идолари, индивид идолари, майдон идолари, табиат идолари) тўсиқ бўлиши, буларни

¹ Г.Скирбекк, Н.Гилье. Фалсафа тарихи. Т., Шарк, 2002. 248-бет.

йўқотса, инсоният ўз орзусига ерда, яъни, яшаб турган ҳаётлилик даврида эришиши мумкинлигини таъкидлайди.

Бекон билиш соҳасида ҳозирги замон фанларида қўлланилаётган индуктив методнинг ўрнини кўрсатиб бериши билан бирга у билан ёнма-ён мавжуд бўлган дедуктив методнинг ўрнини ва иккаласининг уйғунлигини кўра олмади, бу унинг камчилик томони эди.

Бекон табиатшунослик ва ижтимоий масалалар билан шуғулланиш билан бирга, шаклланиб келаётган Англия давлатининг идеологи ҳам ҳисобланар эди. Унинг асослаб берган гносеологик ғоялари инглиз давлатчилиги тарихида, инглизлар қиёфасида ўз ўрнини ва аҳамиятини йўқотмай келаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бекон бошлаб берган фаолият унинг издошлари ва давомчилари томонидан ўзига хос тарзда ижодий ривожлантирилиб, янги ғоялар билан бойитилди.

Инглиз фалсафасида Т. Гоббс билишга оид ғоялари билан ижтимоий масалаларни таҳлил қилишда ўзига хос кибернетик моделдан фойдаланди. У Бекондан фарқли жамиятни соат мурувватига қиёслаб, тажрибавий усулдан фойдаланмасдан назарий моделдан фойдаланиши ижтимоий масалаларни ўзига хос тарзда талқин этишга сабаб бўлди. Бу ҳолат қайсидир маънода билишда дедуктив-анологик методнинг вужудга келишига таъсир кўрсатди. Р. Декарт ўзининг шубҳаланиш ҳақидаги фикрлари билан дедуктив методнинг билиш соҳасидаги ўрни ва аҳамиятини асослаб бера олди ва фан тарихида бу усул унинг номи билан муҳрланди.

Кантнинг билиш соҳасидаги изланишларига бу фикрлар қисман таъсир қилган бўлса, Ж. Беркли ва Д. Юмларнинг фикрлари кучли таъсир кўрсатди. Натижада гнесеологияда тўнтариш ясалди.

Ж. Беркли идеалистик эмпиризмга оид ғоялари билан ўзини тўғри фикр ва теистик дунёқараш (христианлик дунёқарашини) атеизм ва материализмдан ҳимояловчи деб ҳисоблайди. У тўғри фикрни материализмдан, теистик дунёқарашни эса атеизм ва материализмдан ҳимоя

қилади. Материя мавжуд эмас ва худо биз билан бевосита инсией идрок орқали мулоқат қилади, деб кўрсатиб, у турри фикр ва христианлик этиқодини келиштира олдим, дея ҳисоблайди. Беркли бундай хулосага ўзидан олдинги эмпирицистларнинг эпистемеологик қарашларини танқидий ривожлантириш орқали келди.

Маълумки, Ж. Лок билиш жараёнида нарса ва ҳодисаларда бирламчи ва иккиламчи сифатлар мавжудлигини титироф этади ва бирламчи сифатлар кўлам, шакл ва каттиқлик кабилар бизнинг сезгиларимизга боғлиқ бўлмасдан унинг иккаламчи сифатлари – ранг, ҳид, таъм ва ҳарорат кабилар бизнинг сезгиларимизга боғлиқ эканлигини ўз таълимотида асослаб беришга ҳаракат қилган эди. Беркли Лок томонидан нарсалардаги ажратилган иккала сифатнинг ҳам субъектив эканлигини таъкидлаб, жисмларда ўзига хос хусусият ва сифатлар мавжуд эмаслигини асослашга ҳаракат қилади.

Бундай фикрлари билан Беркли билиш соҳасида субъектив идеализмга хос ғояларни илгари суриб, субъектнинг олами идрок этишдаги ўрнини кучайтириб, материя ва табиатнинг объектив мавжудлигини, унда турли сифат ва хусусиятлар борлигини бутунлай инкор қилади. "Мавжуд бўлиш идрок қилиниш демакдир" деган ғояни илгари суриши унинг оламда материя мавжудлигини инкор қилиб, худо мавжудлигини асослашга уринишининг бир кўриниши эди. Унинг фикрича, бутун реалликни қамраб олган ва идрок қилинадиган жамики нарсаларни ҳар доим идрок қиладиган онг ҳам мавжуд. Бу онг — худо. Худо барча нарсаларнинг таянчидир (sustains). Бинобарин, бу ҳолда *esse percipi*: барча нарсалар уларни худо идрок қилгани учун мавжуддир¹

Демак, билиш масалаларида инсон олами билиши мумкинлигини ва дунё ўз қонуниятларидан келиб чиққанлиги ҳақидаги қарашларни Беркли ўз таълимоти билан шубҳа остига қўйди. Унинг таълимотини

¹ Г. Скирбекк, Н. Гилье. Фалсафа тарихи. — Т., Шарқ. 2002. 349-б.

ривожлантирган Д. Юм ҳам моддий дунё, субстанция ҳақидаги тасаввурни рад этади. Аммо, у Берклига қарама-қарши ўлароқ, худо ҳақидаги тасаввурларни ҳам ўз ичига олувчи маънавий субстанция ҳақидаги тасаввурни ҳам рад қилади. У шунингдек, сабабият тушунчасини ҳам танқид остига олади.

Инсоннинг оламни бевосита сезиши ва пайқаши мумкинлиги, субъект фаолияти натижасида объект идрок қилиниши бутунлай инкор этилади. Масалан, биз мана бу столга тегинганимизда, унга урилганимизда ва ҳоказо ҳолатларда бошқа ҳиссий импрессия (таассурот)лар билан тўлдирилиши мумкин бўлган ҳар хил визуал импрессиялар ҳақида маълумотларга эга бўла олмаимиз. Шундай экан, фақат моддий субстанция ҳеч қандай танқидга дош бера олмайди ва у мавжуд эмас, деган хулосага келинади.

Кант билиш соҳасида фаолият олиб бориш жараёнида юқорида таъкидлаб ўтканимиздек, Беркли ва Юмда учраган кишилар онгини чалкаштирувчи ва реал ҳолатни ўрганишга тўсиқ бўлувчи фикрларни ижтимоий ондан олиб ташлаш ва унинг туб моҳиятини очиб бериш кераклигини англаб етди. Бу ҳолат унинг гнесеологияда инқилоб ясашига сабаб бўлди.

Д. Юм томонидан илгари сурилган тажрибанинг 100% га тўғри бўлмаслиги ҳақидаги таълимот ва назарий жиҳатдан таассуротлар олдин олинган, биз асосланган натижаларга зид келиб қолиши мумкинлиги ҳақидаги гоёлар ҳамда табиий фанлар ҳам мутлақ билим бера олмаслигини кўрсатиши табиатшунослик ривожига раҳна солди.

Коперник ва Кеплерлар ер ва одам ҳаракатсиз ернинг марказида туради, деган анъанавий тасаввурлардан воз кечиб, астрономия маълумотларини яхшироқ англашга эришдилар. Улар ер ва ундаги одам қуёш атрофида айланади, деган фаразни қабул қилдилар. Кант ҳам худди шу тарзда *объектнинг субъектга таъсир кўрсатиши билишнинг асосини ташкил қилади*, деган анъанавий

тасаввурларга қарши чиқди. Кант объект ва субъект ўртасидаги бу муносабатларни ўзгартирди ва биз субъектнинг объектга таъсир ўтказишини тасаввур қила оlishимиз керак, дейди. *Объект бизнинг билишимизга, субъектнинг идроки ва тафаккури натижасида репрезентациялашади.* Эпистемеологик тасаввурда бундай ўзгариш фалсафадаги Кантнинг Коперникона тунгариши деб аталади. Бу эса Кант билиш назариясининг мағзини ташкил қилади.

Шундай қилиб, Ф. Бекон томонидан бошлаб берилган табиатни илоҳиётдан ҳоли қилиш ҳақидаги фикрлар И. Кант томонидан яқунланди. Фан олами билишнинг воситаси ва инсонлар учун ерда мўл-кўлчиликда, фаровонликда яшашни таъминлаб берувчи воситага айланди. Билиш соҳасидаги чалкашликларнинг бартараф этилиши инсонларнинг ўз кучи ва шижоатига таяниб яшашига сабаб бўлди. Шу тариқа, Фарбий Европа мамлакатларида XIX асрда илмий-техник инқилоблар бўлди ва фаровонликка эришилди, натижада инсониятни азалдан таъқиб қилиб келган қашшоқлик ва ожизликдан бу ҳудуд халқлари қутулди.

СИНЕРГЕТИКА ЖАМИЯТНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШ УСУЛИ СИФАТИДА

Жамият тараққий этар экан, инсоният билиш жараёнининг моҳиятини тобора кўпроқ англаб бораётганини тушуниб етамиз.

Инсоният табиатан ҳамиша изланувчан ва қизуқувчан бўлган. Ана шу хусусият билиш жараёнининг янгича усулларининг кашф этилишига олиб келмоқда. Билишнинг универсал усуллари мазмун-моҳияти, тамойиллари ва хусусиятларига кўра жуда мураккаб ҳисобланади. Уларни ўрганиш ва ўринли фойдаланиш кишилиқ жамиятининг бундан тараққий этишига ёрдам беради.

Ана шундай янги илмий билиш усули бўлган синергетика ҳақида фикр юритсак. Синергетика ҳозирги замон фан тараққиётида чуқур қизиқиш билан ўрганилаётган ва жуда катта изланишлар натижасида мазмун-моҳияти тобора кенгроқ ёритилаётган илмий билиш усулидир. Синергетика категориясини олимлар таҳлил этар экан, унинг луғавий маъносини Россия олимлари С.П.Курдюмов, Е.Н. Князевалар ўз асарларида қуйидагича изоҳлайдилар: "Синергетика қадимги юнон тилидан олинган син-ҳамкорлик, ва эргос-ҳаракат маъноларини билдиради"¹.

Синергетика усули дастлаб Фарб олимлари томонидан XX асрнинг 2-ярмида кашф этилди. Бу 1960-1970 йилларда дунёнинг ривожланган давлатларида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг юқори даражада илмий изланишлар учун зарур омилларнинг етарли бўлганлигидан далолат беради. Зеро, XX асрнинг

¹ Князева Е.Н., Курдюмов С.П. Основы синергетики. Синергетическое мировидение. М.: 2005. С. 20.

60-70-йиллари биз собиқ мустабидлик даври ва марказдан бевосита берилган қатъий кўрсатмалар асосида ҳаёт кечирганлигимизни эслатиб ўтиш жоиздир. Бироқ, совет тузуми даврида синергетика жуда тор دائирода ўрганилганлигини ва амалиётда деярли қўлланилмагани, маълум. Юқоридаги мушоҳадаларимизнинг қуйидаги фактлар ҳам тасдиқлайди. Дастлаб бу вазиятни немис олими Герман Хаккен 1977 йилда ўзининг "Синергетика" асарида изоҳлаган ва уни: «... бутунни ташкил этувчи қисмларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракати»¹, деб талқин этган.

Ҳозирги замон Фарб олими Ч. Шеррингтон ҳам бу соҳада изланишлар олиб бориб, айнан шу интегратив синергетикани ёки интегратив тафаккурни мускуллар ҳаракатининг бошқарувида (орқа мия) асаб тизимидаги вазиятларни таъсирни изоҳлаш усулидир, дейди.

Изланишлар кейинчалик янада чуқурлаша бошлади ва олимларда турли соҳаларга нисбатан уни қўллаб кўриш имконияти туғилади. Масалан, инглиз олими С. Улан тўхМнинг биричи авлоди яратувчиларидан бўлиб, у 1964 йилда ўзининг "Ечимини топмаган математик масалалар" асарида "Синергия — бу машина ва унинг оператори ўртасидаги ўзаро узлуксиз ҳамкорлик фаолияти", деб талқинлайди.

Умуман олганда синергетикани айнан компьютер соҳасига нисбатан қўлланилиши табиий жараён эди. Сабаби XX асрнинг энг катта кашфиёти ҳисобланган тўхМ жамиятнинг негизига жуда катта тезлик билан кириб борди ва моддий яратувчанликда асосий ўрин эгаллади.

тўхМ ёрдамида жамият тараққиёти жараёнларида нақадимизга тобора осон ва қисқа вақт ичида эришишимиз амалиётда ўз исботини топган. Мана шу соҳада синергетиканинг мазмунига қисқача тўхталайлик. Бу усул ёрдамида жамиятнинг ҳамма соҳаларида жуда

¹ Хаккен Г. Синергетика. М: Мир, 1985.

катта сифат ўзгаришлари юз беради. Келинг, яққол мисол қилиб иқтисодий соҳани олайлик.

Жамиятда иқтисодий ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун, мавжуд анъанавий усуллардан воз кечинишнинг ўрнига янги самарали усуллардан ўринли фойдаланиш зарурати туғилади. Бу айти пайтда иқтисодий соҳанинг сифат жиҳатидан янгиланишига ишлаб чиқариш самарадорлигининг юксалишига ва вақтнинг тежалишига олиб келади. Юртимиз тарихида бундай ҳолатга ўзимиз гувоҳ бўлдик. Собиқ мустабидлик даврида мавжуд бўлган бир укладли иқтисодий тизим амалиётда самара бермаганлиги учун, кўп укладли иқтисодий тизимга ўтилди. Бу мулк шакллариининг кўпайишига, ишлаб чиқаришда эркин фаолиятнинг, ўзини ўзи бошқариш жараёнининг кенг тарқалишига, ниҳоят, ишлаб чиқаришда юқори самарадорликнинг юзага келишига олиб келди. Бу айнан синергетика усулига мос келади. Шу ўринда синергетика усулининг умумий таърифини қайт этиш зарур деб ҳисоблайман: «Синергетика ўзини ўзи бошқариш қонуниятлари ва тамойилларини ўрганувчи, чизиқсиз тафаккур асосида глобал эволюцион жараёни таҳлил қилувчи фанлараро илмий тадқиқот йўналишидир»¹.

Синергетика усулини таълим тизими соҳасига нисбатан фалсафий таҳлил этиб кўрайлик. Таълим соҳасида асосий фаолият олдимизга қўйган мақсадга нафақат оддийдан мураккабга, пастдан юқорига тамойили асосида, балки тез ва қисқа муддатда ижобий самарага янги усулларни жорий этган ҳолда эришиш лозимлигини замонавий фан кўрсатиб бермоқда.

Бу таълим жараёнларида янгича педагогик технологияларни ишлаб чиқиш, улардан ўринли фойдаланиш ва тарғиб этиш заруратини туғдиради. Бу интеллектуал салоҳиятни оширади, эркин шахснинг камол топишига хизмат қилади, айти дамда ижодкорликка кенг йўл

¹ Аршинов В.И. Синергетика как феномен постнеклассической науки. М.: 1999.

очилди. Зеро, мақсадимиз: "Замонавий технологиялар ўқувчи-талабаларни эгаллаётган билимларини ўзлари келтириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади"¹.

Бу билан синергетика усули мавжуд классик билиш усулларини рад этмаган ҳолда, тубдан буткул янги концепцияларни фанга олиб кирди ва изоҳлашга ёрдам берди. Ривожланиш жараёнида тасодифлар ҳам асосий таъсир омили бўлиши мумкинлигини кўрсатиб берди. "Хлос", яъни тартибсизлик фақат дунёни бузувчигина эмас, маълум шароитда ва маълум сабабларга кўра тузувчилик вазифасини бажариши мумкинлигини исботлади. Бу чизиклилиқ ва чизиксизлик, тартиблилик ва тартибсизлик, ўзини ўзи бошқариш жараёни, объект ва субъект, маънавийлик ва моддийлик, жамият ва табиат, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларга янгича ёндашув усули эканлигини алоҳида қайт этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Синергетика усули жамият бошқарув тизимида ёки умуман турли соҳаларда маълум муаммоларни тўғри, осон ва тез ҳал қилиш учун вазиятга мос усулни қўллай олиш зарурлигини тасдиқлайди. Бу кадрлар тайёрлаш ва уларни жой-жойига қўйишни тақозо этади.

Ахир: "...жамият тараққиётининг кескин бурилиш бошқичларида давлат тизимини самарали бошқариш учун бошқарув кадрларидан юксак касб маҳорати, кучли ирода, юқори даражадаги ташкилотчилик ва халқни муҳофаза қилиш қобилияти, фавқулодда вазиятларда ақилона иш юритишга қодирлик, қўл остидагиларга инсбатан ғамхўрлик, адолатлилик, собитқадамлик каби фазилатлар талаб қилинади"². Қайд этилган фазилатларга эга бўлган раҳбар кадрлар жамоанинг фаолиятида асосий рол ўйнайди.

¹ Ходдиев И., Хусанов Ж. Касб-хунар таълими: технология, маънавийнг, маҳорат. Т: Ўқитувчи, 2003. 201-б.

² Абдушукуров Б. Жамият ва бошқарув // Т.Шарқ №4 2003. 22-б.

Жамият миқёсида олсак, алоҳида шахслар ҳам ижтимоий-иқтисодий туб ўзгаришлар юз бераётган босқичларда индивидуал фаолиятлари ёрдамида самарали таъсир восита омилига айланиши мумкин.

Тарихий тараққиётда А. Македонский, А. Темур каби буюк шахслар жамият тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатганлигини мавжуд илмий манбалар ёрдамида исботлаш мумкин.

Синергетика усулида ҳар бир нарса, ҳодиса ва воқеликнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги қайд этилади. Бутун ва бўлак категориялари ҳам янгича тавсифланади. Чунончи ҳар бир қисмда бутуннинг хусусиятлари ҳам ифодаланади. Шунингдек, ҳар бир қисмнинг алоҳидалиги ижтимоий ўзгаришлар жараёнида яққол кўзга ташланади.

Бу тамойилни жамиятнинг ижтимоий ҳаётига нисбатан тавсифлаганда, жамият тараққиётида ҳисобга олиш заруратдир. Жумладан Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт модели ҳақида мулоҳаза юритиб, Президентимиз Ислом Каримов шундай деган эди: "Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан шак-шубҳасиз самарали фойдаланади. Гап бирон-бир моделни, ҳатто у ижобий натижалар берган тақдирда ҳам, кўр-кўрона кўчириб олиш тўғрисида бораётгани йўқ. Аниқ-равшан воситалар ва усуллар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, ўша мамлакатнинг ўзига хос шароитидагина ижобий натижа беради"¹.

Синергетика усули кенг қамровли бўлиб, у табиат ва жамиятдаги кўплаб соҳаларни қамраб олади, шунингдек, "хаос" концепцияси, унинг динамика, лавина шаклидаги ривожланиши ва қўллашни, барқарорлик ва беқарорликни таҳлил этади. Тараққиётда флуктуация (тебраниб туриш ҳолати), бошқача айтганда нотинчлик,

¹Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т: "Ўзбекистон", 1998. 10-бет.

туриун ҳолатда кам куч ўзгаришларга асосий таъсир омили бўлиши мумкин экан. Келинг, бу назарияни ижтимоий ҳаётга нисбатан татбиқ этайлик. Ҳозирда глобал муаммо бўлган мафкуравий хуруж, мафкуравий полигон каби тушунчаларга эътибор қаратсак, баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфилм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланиши мумкин. Демак, тарихий тўб бурилиш босқичларида фараз мақсадларда амалга оширилаётган аҳамиятсиз ҳаракатлар ҳам улкан фожиаларни келтириб чиқариши мумкин экан. Синергетика усули ҳар бир индивидни огоҳлик ва маъсуллик билан шакллантиришни тақозо этади. Синергетика усули ўз моҳиятига кўра ворисийлик хусусиятига эга. Синергетика янгича билиш усули бўлганлиги учун ҳам жуда кўп ўрганиш зарур. Гарчи И.Забусский ва кейинчалик И.Пригожин томонидан бу усул жуда катта қизиқиш билан ўрганилган ва ҳатто 1977 йили И.Пригожин халқаро Нобел мукофоти билан тақдирланган бўлсада, ҳозиргача илмий изланишлар давом этмоқда.

Ахир, бу детерминизм ҳақидаги янги тасаввурларнинг юзага келишига катта ёрдам беради. Фанлардаги универсал усуллар мутлақлаштирилмайди, улар доим шакллантирилади, янги турлари кашф этилади ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этилади.

Синергетикани таҳлил этиб, инсониятнинг билиш имкониятлари нақадар кенг эканлигига янада тўлақонли амин бўламиз.

НООСФЕРА (АҚЛ СОҲАСИ)* ДАВРИНИНГ САБОҚЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

Янги аср янги орзу-армонларни туғдиради, лекин у янгидан-янги фалокатларни ёхуд уларнинг янгича, янада хатарлироқ шакллари юзага келтириши ҳам мумкин. Инсоният тарихида ҳал ҳеч қачон умум қисматига шу бугунгидек, барча баробар шерик бўлмаган эди¹.

XX аср бошларидан жаҳондаги машҳур олимлар табиат ўз тараққиётининг янги босқичи — Ноосфера (Ақл соҳаси) даврига киргани, бу даврнинг илгариги барча даврлардан фарқли хусусиятлари мавжудлигига эътибор қаратдилар. Эндиликда Ақл соҳаси табиат қонунлари ҳаракат йўналишларига ҳам ўз таъсирини кўрсатиш палласига кирганини олимлар олдиндан башорат қилган эдилар. Лекин шунга қарамай, дунё халқлари ўтган асрда иккита йирик жаҳон уруши, шунингдек, юздан ортиқ минтақавий урушларни бошдан кечирди. Биргина 1900-1949 йилларда 117 та урушда 142,5 млн. одам қирилиб кетди². Лекин ундан олинадиган инсоният тақдири олдидаги тарихий сабоқ ҳали ҳам одамзотни четлаб ўтмоқда.

“Совуқ уруш” тугаши билан халқаро муносабатлар глобал муаммоларнинг янги туркуми, сиёсий ҳамда иқтисодий кўринишдаги таъсир воситалари орқали ўзининг ҳақиқий қиёфасини кўрсата бошлади. Ўзаро

* Бу янги давр ижтимоий фалсафаси бўлиб, “табиат-жамият-инсон” коэволюциясини сақлаб қолиш, инсонпарварлик руҳини қарор топтиришга қаратилган таълимот.

¹ Кофе Ананднинг БМТнинг минг йиллик саммитида сўзлаган нутқидан / Марказий Осиё маданияти газетаси, 2000 йил. 1-сон.

² Қаранг: Фалсафа. Т: Ўқитувчи, 2005. 240-бет.

иншончисизлик ҳолати давлат ёки минтақавий кўринишдаги ҳарбий қуролланишни ривожлантириб бормоқда.

Бугунги дунёда эскича анъанавий фикрлашдан воз кечиш, бир миллат ёки бир давлат қиёфасида душман образи яратиш, шу асосда барча мафкуравий воситаларни йўналтиришдан чекиниш лозим. Бу ҳақиқатни тан олмаслик бемисл даражада қуролланиш, сайёравий иқлим истиши, чучук сув танқислиги, озиқ-овқат муаммоси ҳамда минерал хом-ашё танқислигини келтириб чиқарди, фақат бир миллат ва халқ манфаатини устун қўйишга интилиш ўзаро урушларни келтириб чиқармоқда ва инсоният ҳаёти тақдирини қалтис вазиятга солиб қўймоқда. Ер деб аталган маконда миллатлар, халқлар яшар экан, манфаатлар тўқнашиши табиий, лекин буни оқилона ён беришлар, келишувлар (концессус) асосида ҳал этса бўлади. Шунда бир миллат ёки халқнинг фаровон яшashi бошқа бир халқнинг табиий-маданий бойликлари ҳисобидан бўлгани ҳолда, уларнинг ёмон шароитда кун кечиришига олиб келаётганлигини ҳам тушуниш осонроқ кечарди.

Инсоний хатти-ҳаракатни бирор бир ҳайвон, мисол учин бўриларга қиёслайлик. Бўриларнинг генетик кодида ўз турини ҳар қандай шароитда ҳам қирғин қилмаслик майли устун. Наҳот биз шу бўриларчалик яшаш имкониятига эга бўлмасак?! Чунки барча одамлар бир тур, наҳот одамзот ўз турини йўқотишга мойиллик билдирса, унга қирғин келтиришга йўл қўйиб берса?!

Марказий Осиёда глобаллашув шароитида бундай майлнинг мафкуравий жараёнларда етакчилик қилишига йўл қўймаслик ҳақида юртбошимиз Ислом Каримов "Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, бу минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантиришни ташқи сиёсатимизнинг муҳим устувор йўналиши этиб белгилаб олганмиз"¹, дея таъкидлайди.

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т: Ўзбекистон, 2005. 59-б.

Марказий Осиё 4 млн км² ҳудудни ўз ичига олган 55 миллион аҳолига эга бўлган улкан региондир. Ғарбий чегараси Каспий денгизи бўйлаб, шарқда Жунғор Олатоғи, жанубда Хуросон тоғлари, шунингдек, Амударё, Панж ва Амрек дарёлари билан чегараланади. Марказий Осиё мамлакатлари Осиё ва Европа давлатларини боғловчи кўприк бўлиб, муҳим геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамиятга эга жойда жойлашган¹.

"Марказий Осиё" атамаси биринчи марта таниқли немис олими, географ Александр фон Гумбольдт томонидан 1843 йили Парижда нашр этилган 3 жилдли "Марказий Осиё. Тоғ тизмаларини тадқиқ қилиш ва иқлимни таққослаш" асарида қўлланилган эди. Унда олим ички суғориш тизимини ва тоғ тизмаларини ўрганиб, Марказий Осиёни алоҳида, ўзига хос минтақа сифатида ажратди². Шундан сўнг "Марказий Осиё" тушунчаси узоқ вақт мобайнида, то сўнгги давргача геосиёсий тушунча эмас, балки асосан тарихий ёки географик атама сифатида қўлланилиб келинди.

Шундай жараёнда собиқ Иттифоқнинг парчаланиши нафақат қудратли империянинг емирилиши, балки коммунистик мафкуранинг халқаро миқёсдаги таназзулини ҳам белгилади. 1946-1989 йиларда кечган "совуқ уруш" нафақат Ғарб ва Шарқ ўртасидаги зиддият, балки капитализм ва социализм ғояси ўртасидаги кураш ҳам ҳисобланар эди. Олимларнинг фикрича, учинчи минг йилликда асосан икки мафкура жаҳон аҳлининг онг-шуурини забт этишга қодир: булар дунёвий тамаддун ва диний таълимотдир³.

Жаҳон тартиботи тубдан ўзгараётган ва глобаллашув тобора чуқурлашаётган бир даврда янги, кўп жиҳатдан ноанъанавий хавф-хатар ва таҳдидлар вужудга келдики,

¹ Центральная Азия: геоэкономика, геополитика, безопасность / Ред. колл: Алимов Р. М., Арифхонов Ш. и др. Т: Шарқ, 2002. 9 с.

² Humboldt, A. De. *Asie centrale. Recherches sur les chaines de montagnes et la climatologie compare.* Paris., 1843.

³ "Тафаккур" журнали, 2008 йил. 1- сон, 112-бет.

бундай шароитда ҳар бир давлат ёки минтақа учун аввало ул миллий манфаатларини таъминлаш долзарблик касб этмоқда. Сиёсатшунос олим О.Аббосхўжаев "Мафкура полигонларида олишув" асарида бу хавф-хатарларни икки йўналишга ажратиб, таҳлил қилган. Булардан бири хорижий нодавлат, нотижорат ташкилоти номи остида ҳаракат қилаётган, ғарбона ҳаёт ва тафаккур тарзини универсал турмуш модели сифатида дунёга ёймоқчи бўлаётган мафкуравий кучлар бўлса, иккинчиси муқаддас ислом динининг инсонпарвар тамойилларига зид ўлароқ, дунёвий ҳукуматларга қарши "жиҳод" эълон қилган, бутун дунёда "халифалик" тизимини яратиш қутқуси билан ҳаракатланаётган экстремистик, террористик марказлар уринишларидир¹.

Бугунги кунда бирон-бир давлат ҳудудини ҳарбий нул билан эгаллаш эмас, балки ғоявий-мафкуравий кураш усулларини қўллаш арзон ва қулай бўлиб қолганини жаҳон оммавий ахборот воситалари, сиёсатчилар, файласуфлар, тарихчилар тез-тез тилга олаётганлари бежиз эмас, албатта. Бундай муносабатлар Марказий Осиёнинг қулай геосиёсий ўрни даражасидан на табиий-моддий бойликларининг кўплигидан ҳам келиб чиқмоқда. Бу жараёнда эса, ўлка давлатлари учун минтақавий интеграция ўзига хос миллий манфаатлар ҳимоячиси ва бирлаштирувчи омил сифатида намоён бўлмоқда. Хусусан, глобаллашув жараёнидаги турли хил омиллар Ўзбекистон ва бошқа минтақа давлатлари ривожланиш тенденцияларини тўғри таҳлил этишни тақозо этмоқда, чунки бу ердаги халқлар миллий руҳияти, маънавияти ва диний эътиқоди даражасига таъсир ўтказишга интилиш, ўзига бўйсиндириш тенденцияси етакчилик қилмоқда.

¹ Аббосхўжаев О. Мафкура полигонларида олишув. Т: "Академия", 2007, 17- бет.

Ҳозирги даврда Марказий Осиёда стратегик барқарорликни таъминлаш, минтақада интеграция жараёнларини кучайтириш, ҳудудда жойлашган давлатларнинг иқтисодий, сув-энергетик, транспорт-коммуникация, экологик муаммоларига ечим топишда яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва мустақамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Глобаллашув жараёни Марказий Осиёдаги ижтимоий-маданий, ахборот-мафкуравий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини қамраб олмоқда. Бу майл, бир томондан, барча Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳар томонлама ривожланиш имкониятини туғдирса, иккинчи томондан, уларнинг хавфсизлигига муайян даражада путур етказиши ҳам мумкин.

Шуни таъкидлаш ўринлики, минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик маълум даражада мураккаблашгани сабабли, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш имконияти чекланиб қолаяпти, экологик вазиятга путур етаяпти, ҳудудий ва чегаравий муаммолар пайдо бўлиб, демократик жараёнлар ривожини йўлида сунъий тўсиқлар вужудга келаяпти.

Бунда эса, биринчи навбатда мафкуравий воситалар (телевидение, радио, газета, интернет тизими, бадий-адабий асарлар) орқали ўқув ва меҳнат жамоаларида Марказий Осиё давлатларининг тарихий ва замонавий яқдил, ўзаро ишончли ҳамкорлик жараёнларининг нечоғлик аҳамиятли эканини сингдириб бориш зарур.

Иккинчидан эса, миллатлар ўртасидаги ўзаро маданий алоқаларни ривожлантириш муҳим ҳаётий восита бўлиб хизмат қилади. Масалан, биргина ўзим шоҳид бўлган, 2008 йилнинг 30 апрель 7 май кунларида, Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳридаги 29-мактабнинг 20 нафар ўқувчиларининг юртимиз тарихий шаҳарларига

уюшгирган саёҳатини айтиб ўтиш мумкин. Ёш саёҳатчилар ўз таассуротларини Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини кўриш орқали янада бойитди, дейиш мумкин. Зеро, бу хотира орқали тарихи бир, ўтмиши бир халқлар вакиллари эканлигимизга бўлган ишонч ортиб боради, дўстлик ришталари боғланади. Бу ҳақиқатни уларнинг мамнун кўзларидан, атрофга масрур боқишларидан билиш мумкин эди. Шундай кичик саёҳатлар орқали давлатлар, халқлар ўртасидаги ўзаро алоқалар янада мустаҳкамланиши табиий.

Марказий Осиё минтақаси ўзининг қулай географик ўрни ва моддий бойликларининг беҳисоблиги билан ҳам тарихан етакчи давлатлар диққат марказида бўлиб келган. Шундай тарзда мустамлакачилик минтақа халқлари тақдири учун мислсиз қийинчиликларни келтириб чиқарган эди. Чунки азалдан бир ҳудудда истиқомат қилган туркий-форсий таркиб умумий хавф олдида бир неча бор яқдил кураш олиб борган, ҳатто йирик давлатларга асос солишган эди. Буни Марказий Осиёнинг барча халқлари ўзаро иттифоқдош, жондош-қондош бўлганлиги билан изоҳлаш ўринли. Ташқи душман олдида қамиша мардонавар кураш олиб борилганига тарих шоҳид. Бугунги кунда аждодларимизнинг Ватан озодлиги йўлидаги жасоратларининг тарбиявий-ахлоқий жиҳатини англаш ўринли. Зеро, бугун ҳам Марказий Осиё халқлари тинчлиги учун беш мустақил давлатнинг ҳамкорлиги, ташқи мафкуравий курашларга қарши биргаликда курашишлари талаб этилади. Чунки минтақа халқлари ўтмишда хатолар ва ноаҳиллик оқибатларини татиб кўрган, шундай экан тинчлигимиз учун яқдил бўлишимиз керак. Бу ўринда шарқ алломаларидан Кайковуснинг "Қобуснома"сида "Халқ нима учун бир марта пушаймон бўлган ишларидан яна пушаймон бўлади?"¹ деб айтилган панд-насиҳатини эслаш кифоя.

¹ Кайковус. Қобуснома. "Тошкент: Ўқитувчи", 1973. 42-бет.

Шу жумладан, 2008 йилнинг 2-4 апрель кунлари Бухарестда бўлиб ўтган Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида Президент Ислон Каримов Марказий Осиё тинчлигини таъминлашга қаратилган амалий таклифни илгари сурди. 1997-2001 йилларда фаолият юритган "6 + 2", яъни Афғонистонга чегарадош давлатлар ва АҚШ-Россия ҳамкорлиги мулоқот гуруҳини "6 + 3" гуруҳига айлантиришни таклиф қилган ҳолда, бунда НАТО ваколатхонаси ҳам иштирок этиши лозимлигини уқтирди. Президентимизнинг таъкидлашларича, бундай амалий ҳамкорлик орқали Афғонистондаги вазиятнинг барқарорлашуви Марказий Осиё учун ижтимоий-иқтисодий жиҳати билан аҳамиятлидир. У Афғонистондаги вазиятни яхшилаш учун зарур бўлган бир қатор вазифаларни ҳам айтиб ўтди. Ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечими, халқаро коалиция кучларига маҳаллий аҳоли ишончини ошириш, наркотрафикнинг олдини олиш, аҳолининг, шу жумладан, кам сонли миллатларнинг диний ва маданий қадриятларини ҳурмат қилиш, исломга нисбатан хуружларга йўл қўймаслик, ислоҳотларни изчил ўтказиш шулар сирасига киради.

Бунда эса, барча кўринишдаги ихтилофларни ўзаро музокараларда ён беришлар ва муроса йўли билан ҳал этиш муҳим бўлиб турганлиги таъкидланди. Тарихий ҳақиқат шуни кўрсатмоқдаки, ҳеч қачон инсоният урушлар йўли билан муаммони ҳал эта олган эмас. Бу йўл билан зиддият кучайса кучаядики, асло камаймайди. Бугунги кун давлатлар сиёсати ва мафкураларда анъанавий фикрлашга йўл қўйиб бўлмайди. Зеро, ҳар биримиз тарихимиз ва келажак авлод олдида масъулмиз. Шубҳасиз, Марказий Осиёда глобаллашув даврида вужудга келган ҳолат ўзаро интеграцияларни чуқурлаштиришни, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланишни тақозо этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов 2008 йилнинг 22-23 апрель кунлари расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлдилар, Қозоғистон президенти

Нурсултон Назарбоев билан ўзаро давлатлараро ҳамкорлик масалалари кенг муҳокама қилинди. Ушбу ташиф натижалари нафақат мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиради, балки умуман, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Марказий Осиё давлатлари минтақавий ҳамкорлигининг янги босқичга кўтарилишида Ўзбекистон ва дўшани давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг кенгайиб бориши ҳам муҳим. Зеро, минтақавий бирлик учун минтақа халқлари ва давлатларида тарихий шароит ва имконият бор. Бугунги кун ИНСОНИАТ ТАҚДИРИНИ "АҚЛ СОҶАСИ" НООСФЕРА даври талаби билан ўзаро кенг маданий алоқаларни мустаҳкамлашда, зиддиятли манфаатларни ён беришлар билан ривожлантириб бориш лозимлигини белгиламоқда.

ЭГЕЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ: ДАВРЛАШТИРИШ, МОДДИЙ-МАЪНАВИЙ МАНБАЛАР

Эгей ҳавзасидаги барча халқларнинг ривожланиши турли маҳаллий хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб турсада, уларнинг тарихий тараққиёт жараёни ўзаро таъсир доирасида давом этган. Шунга қарамай, аввалги дарсликларда Эгей ҳавзаси тарихи ягона макон чегарасида эмас, балки «Юнонистон тарихи», «Рим тарихи»га бўлиниб ўрганилар эди. Ҳолбуки, Эгей ҳавзасида жойлашган ороллар ва яримороллар тарихини бир бутун минтақа тарихи сифатида ўрганиш илмий жиҳатдан тўғридир.

Мил. ав. II асрдан кейинги қадимги Ўрта Ер денгизи мамлакатлари тарихини айириб ўрганишнинг ўзи катта қийинчиликларга ва такрорларга олиб келади. Қадимги Юнонистон, Рим, Этрурия, Карфаген тарихини бир-биридан айириб ўрганиш услубий ва илмий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас. Бу ҳолат аввалги дарсликлардан фарқли даврлаштиришни ҳам талаб қилади. Шуни назарга олиб, олимлар эндиликда Эгей ҳавзаси, Эгей цивилизацияси тарихини янгича даврлаштириш асосида ўрганмоқдалар. Бунинг асосий сабаби антик давр тарихи юзасидан янгидан-янги ахборотларнинг илм оламига кириб келиши натижасида фан мазмунининг бойишидир. Антик давр тарихининг янги фактлар билан бойиши ўша даврнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиш жараёнини тўлиқроқ ёритиб беришга имкон яратди. Бу 2000 йилда Москвада «Владос» нашриётида чоп этилган А. И. Немировскийнинг 2 қисмдан иборат олий ўқув юртлари учун мўлжалланган «Қадимги дунё тарихи» дарслигида назарга олинган. Дарсликда антик дунё тарихи 7 даврга бўлиб ёритилган.

Биринчи давр Эгей ҳавзасида давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши ва инқирозга учраши тарихини ўз ичига олади (Крит, Киклада, Троя ва Микена маданиятлари).

Иккинчи давр «қоронғу асрлар» («тёмные века») вақтидаги тарихий жараёнлар ва ҳодисалар ёки полисларгача бўлган тарихни, полислар шаклидаги давлатлар тарихини, юнон ва финикияликлар колони-зациясини, полисларнинг равнақи ва инқирозини, Болқон ва Апеннин ярим ороллариининг Македония ва Рим томонидан зўрлик билан бирлаштирилишини ўз ичига олади.

Учинчи давр Ўрта Ер денгизи оламини эллинистик давр билан бирлаштиради. Бу эллин подшоликлари ва полислар тарихидан иборатдир (Александр Македонский юришлари ва ундан кейинги сиёсий ўзгаришлар натижасида ташкил топган йирик эллин салтанатлари, маданият соҳасидаги туб ўзгаришлар).

Тўртинчи давр Ўрта Ер денгизи ҳавзасидаги урушлар жараёнида Рим салтанатининг ташкил топиши ва бу билан алоқадор ижтимоий муносабатлардаги, сиёсат, ҳуқуқ ва маданиятдаги ўзгаришлар билан белгиланади.

Бешинчи давр Рим республикасининг инқирози ва кулаши, Гракхлардан Августгача 100 йилликда Рим салтанатининг кенгайиши ва ўзгариши (ижтимоий ва сиёсий курашнинг Цезарь диктатурасининг ўрнатилиши билан якунланиши) тарихини қамраб олади.

Олтинчи давр Рим империясининг принципат даврини (икки ярим аср давом этган Цезарлар, Клавдийлар, Флавийлар, Антонийлар, Северлар вақтидаги тарихий жараёнлар ва ҳодисаларни) ёритади.

Еттинчи, охири давр III аср инқирози ва доминант даври (вақтинча барқарорлик ва империянинг кулашини якунловчи жараёнлар тарихи).

Эгей ҳавзаси, қадимги Юнонистон тарихига оид манбалар хилма-хил ва бойдир. Биз бутун манбалар оламининг икки энг муҳим тури — ёзма ва моддий маданият ёдгорликлари билан танишамиз.

Ёзма манбалар орасида энг аҳамиятлиси антик адабиёт намуналаридир. Улар бизга қадимги одамлар ўзларининг ҳаётларини қандай тасаввур қилганлар? Ўзлари ва атроф дунё ҳақида нима билганлар? — деган саволларга жавоб топишга ёрдам беради. Бу гуруҳдаги ёзма манбаларга тарихий, илмий ва бадиий адабиётга оид асарлар киради. Улар бизгача тўлиқ етиб келмаган. Биз фақат ўрта асрлар давридаги нусхаларда сақланган қисмларгагина эгамиз, улар антик ва ҳозирги замонни боғловчи қимматли манбалар сифатида қадимги давр ҳақидаги билимларимизни бойитишда катта аҳамиятга эга.

Мил.ав. VI охири V аср бошларида Юнонистонда тарихий асарлар ёзиш жанри шаклланди. Ушбу асарлар айрим полислар ва улардаги ҳукмрон уруғлар тарихи, савдо ва янги колониялар учун фойдали ерлар ҳақида бўлиб, бизгача мазкур ёзма ёдгорликлардан айрим қисмлари, кичик лавҳаларигина етиб келган. Маҳаллий тарихчилар ибодатхоналар ва шаҳар архивларида сақланиб келаётган ҳужжатлар асосида ёзган асарларида бўлиб ўтган ҳодисаларга ўз муносабатларини билдирмаганлар. Кенг қамровли асарлар сақланмаган, уларнинг қисқача мазмуни кейинги муаллифларнинг асарларида келтирилган. Шунга қарамай улар жуда қимматли манбалардир.

Ўз даврининг тарихини кенг ва анча батафсил ёритган даслабки буюк тарихчилар Геродот, Фукидид ва Ксенофонт ҳисобланадилар. «Тарих отаси» номига сазовор бўлган Геродот (мил. ав. 484-425) Кичик Осиёнинг жанубидаги Галикарнасс шаҳрида туғилган, умри давомида кўп саёҳат қилган (Мисрни айланиб чиққан, Эгейдан Сузагача «Шоҳ йўли»ни босиб ўтган, Шимолий Қора денгиз бўйларида бўлган, Афинада яшаган). Унинг 9 жилддан иборат машҳур «Тарих» асарида Юнонистон — Эрон урушлари ва Эрон давлатига қарашли мамлакатлар тарихи ҳамда Юнонистоннинг қадимги тарихи қисқача баён қилинган. У ишончли фактларни

беришга ҳаракат қилган, шу билан бирга эшитганларини ҳам ёзган.

Антик дунёнинг энг машҳур тарихчиларидан бири Фукидид Пелопоннес урушлари тарихини ёзган, унинг асарларининг қимматли жиҳати шундан иборатки, уларда манбалар, ҳужжатлар, шартномалар ва ҳар хил обидаларга ёзилган ёзувлардан ҳам кенг фойдаланилган. Ксенофонт (мил.ав. 430-455 йиллар) нинг «Юнонлар тарихи», «Анабасис», «Лакедомон политияси», «Агесилай», «Суқрот ҳақида хотиралар» асарларида ҳам жуда кўп фойдали маълумотлар тўпланган.

Мил.ав. IV асрнинг биринчи ярмидан бошлаб Юнонистон полисларида юз берган инқироз натижасида ижтимоий ҳаётга қизиқиш камайиб кетади ва энди шахсий ҳаётга қизиқиш устунлик қила бошлайди. Бу мемуар жанрининг пайдо бўлишига олиб келади. Биринчи мемуар асарни мил.ав. IV асрда ўзининг ҳарбий фаолияти ҳақида тарихчи Ксенофонт ёзади. Эллинизм даврида мемуар ёзиш русумга айланган. Таниқли сиёсий арбоблар Пирр ва Арат (34 йил Ахей иттифоқи бошида турган) мемуарларидан кейинчалик Полибий ва Плутархлар кенг фойдаланганлар.

Эллинизм даврида полис тизимининг инқироzi ва монархияларнинг пайдо бўлиши натижасида умумий тарихга қизиқиш кучаяди. Мил.ав. IV асрнинг охирида илк бор Болқон Юнонистони, Рим, Фарбдаги юнон колониялари, Карфаген тарихини умумлаштириб ёзган тарихчи Тимей Олимпиада ўйинларига асосланган саналаштириш тизимини таклиф этади. Умумий тарихга бағишланган асарларнинг илк муаллифларидан Эфор, Феопомп, айниқса, Полибий машҳурдирлар.

Римдаги фуқаролар уруши ҳақида Рутилий Руф, Августлар мемуар ёзганлар, лекин улар бизгача сақланмаган. Уларнинг қандай ёзилиши ҳақида Юлий Цезарнинг «Галл урушлари ҳақида ёзувлар», «Фуқаролар уруши ҳақида ёзувлар» номли мемуарлари орқали маълумот олишимиз мумкин.

Юнон полислари инқирози даврида мемуарлар билан бир қаторда илк бор сиёсий арбоблар ҳаётини ёритувчи асарлар ёзила бошланган. Бизга маълум бўлган биринчи биография (наслнома) Ксенофонтнинг Спарта подшоси Агесилай ҳақида ёзган асаридир.

Эллинизм даврида бу жанр гуллаб-яшнайти. Александр Македонский ва унинг ворислари сиёсий тарғиботда идеал ҳукмдор ва ҳатто худолар даражасига кўтарилганлар. Ўша даврда подшолар томонидан моддий жиҳатдан таъминлаб турилган ёзувчиларнинг махсус штати ташкил қилинган, уларнинг вазифаси подшолар фаолиятини мақташ бўлган. Бу асарлар ҳам бизгача етиб келмаган, лекин улардан Полибий, Диодор, Аппиан каби тарихчилар фойдаланганлар.

Биография ёзишни адабий жанр даражасига кўтаришни Плутарх амалга оширган. У тарихий шахслар ҳақида асар яратганда бутун ёзма манбалардан фойдаланган. Унинг «Қиёсий биографиялар»ида бирон машҳур юнон ҳамда Рим арбобларининг биографияси қиёсланган, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари кўрсатилган. Рим императорларининг биографияларини ёзган Светоний расмий манбаларга нисбатан кўпинча маталар, латифалар, турли қизиқарли ҳодисаларга катта эътибор берган. Милоднинг III асрида яшаган юнон файласуфи ва ёзувчиси Диоген Лаэртский файласуфларнинг биографияларини ёзган. Улар бизгача етиб келган қимматли манба ҳисобланади.

Юнонистон ва Рим қадимги даврини ўрганишда нотиклик санъатига доир асарлар, айниқса машҳур нотикларнинг нутқлари катта аҳамиятга эга. Улар 3 хил бўлган: маслаҳат берувчи (моҳият эътибори билан ҳамшиша сиёсий характерда бўлган), суд жараёнидаги нутқлар ва эпидейкли, яъни кўрсатувчи (бирон шахснинг шаънига мақтов шаклида ёки ўлган одамнинг фазилатлари, фаолиятини кўрсатиб берувчи) нутқлардир. Бизгача барча хилдаги нутқлар тўпламлари сақланиб қолган бўлиб, улар ўша даврдаги кўпгина сиёсий, шахсий фаолият, маънавий-

ахлокий нормалар ҳақида тасаввур уйғотишга ёрдам беради. Айниса, Лисий, Исократ, Демосфен, Динарх, Эсхил нутқлари нисбатан тўлароқ сақланган. Эпидейкли нутқларнинг бир тури сифатида панегирик айтиш жанри шаклланган. Улар дастлаб халқ йиғинларида байрам нутқлари, мил.ав. IV асрдан бошлаб, айрим шаҳарлар ёки шахслар шаънига мақтовлар шаклида ривожланган. Плинизм даврида эллин ҳукмдорларини кўкларга кўтарувчи панегириклар айтилган, улар бизгача етиб келмасда, анча кейинги давр муаллифларининг асарларида айрим парчалар ҳолида сақланган. Бизгача етиб келган биринчи панегирик Исократнинг мил.ав. 480 йилда Афина шарафига, Римда эса Кичик Плинийнинг император Троян шарафига сўзлаган нутқлари ҳисобланади.

Антик Юнонистонда мактублар ёзиш маданияти нотиклик маданияти каби юксак баҳоланган. Уларни «ярим диалог» деб атаганлар ва кўпинча «очиқ мактублар» шаклида чоп этганлар. Уларда жуда кўп воқеалар, ҳодисалар ўз аксини топган. Платон, Исократ, Саллюстий, Эпикур, Сенска, Цицерон, Кичик Плиний, Либаний, Симмах мактублари ўз даврида сиёсий ва илмий ҳаётга катта таъсир кўрсатган.

Қадимги Эгей цивилизацияси ҳақида муҳим манбалар каторига олимларнинг асарларини ҳам киритиш мумкин. Юнон полислари тарихи Аристотель ва шогирдларининг 158 та «Полития» сида тўла акс этирилган, лекин бизгача фақат «Афина политияси» етиб келган. Анча қимматли тарихий воқеаларни, фактларни ҳар хил соҳаларда ижод қилган Юнонистон ва Рим олимлари асарларидан ҳам билишимиз мумкин. Шулар жумласига Гиппократ, Диоскурнад, Гален (тиббиёт), Витрувий (меъморчилик), Фронтин, Вегеций (ҳарбий иш), Аристотель, Димитрий Фалерский, Дионисий Галикарнасский (риторика), Аполодор (мифология), Катон, Варрон, Колумелла (қишлоқ хўжалиги) асарлари киради. Уларда олимлар жуда кўп масалаларга ўз муносабатларини билдирганлар.

Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» дostonлари энг қадимги Юнонистон тарихи ҳақида ягона йирик бадий

асарлар ҳисобланади. Қадимги Юнонистоннинг энг архаик даври Гесиоднинг «Меҳнатлар ва кунлар», «Теогания» («Худолар шажараси») асарларида ҳам акс эттирилган.

Лирик шоирлардан Архелог, Алкей, Сафо, Солон, Феогнид, Пиндарнинг, трагик шоирлардан Эсхил, Софокл, Еврипиднинг асарлари ҳам бадиий, тарихий манбалардир. Аристофан комедияларида Юнонистоннинг мил.ав. V-IV асрлардаги сиёсий ва маиший турмуши акс эттирилган. Эллинизм даври поэзиясида юнон жамиятидаги ўзгаришлар ўз ифодасини топган.

Манбалар орасида ёзувчиларнинг бадиий асарлари, айниқса эллинизм даврида пайдо бўлган роман жанри, сатирик асарлар катта аҳамиятга эга.

Файласуфларнинг асарлари ҳам қимматли манбадир. Эллинизм давридан бошлаб, улар ўз даврларида содир бўлаётган ҳодисаларнинг ахлоқий томонларига аҳамият берганлар, жуда кўп воқеаларни мисол тариқасида таҳлил қилганлар. Шу жиҳатдан Сенеканинг «Луцилийга мактублар» асарида ниҳоятда кўп ахборот тўпланган.

Ёзма манбалар билан бир қаторда антик олам ҳақида муҳим маълумотларни моддий маданият ёдгорликларини ўрганиш орқали ҳам билиб оламиз. Меҳнат қуроллари, қурол-яроғлар, уй-жойлар, рўзгор буюмлари, санъат асарлари, устахоналар, конлар, шаҳар ва чегара истеҳкомлари, ижтимоий ва диний бинолар, мақбаралар ва шунга ўхшаш бутун моддий маданият ёдгорликлари инсон фаолияти изларини сақлаб қолганлар. Улар қадимги давр инсонлари турмуш тарзи ҳақида ишончли моддий-маданий манбалар ҳисобланади.

Моддий-маданий манбаларга қадимги шаҳарлар, акрополлар, саройлар, кўчалар, марказий майдонлар, томоша бинолари, спорт мажмуалари, сув иншоотлари, йўллар, портлар ва кемалар, сопол идишлар, шиша буюмлар, тақинчоқлар, ҳайкаллар, фрескалар, мозаикалар, қабристонлар, монументал ёдгорликлар, мудофаа истеҳкомлари, папируслар, тангалар, тессерлар

(қарбийларга парол, томошаларга ва лоторея ўйинларида билет сифатида ишлатилган сопол ва металл парчалари), муҳрлар, остраконлар (сополчалар сайловларда ва Афина демократиясининг гуллаган даврида фуқаролардан давлатга хавф келтириши мумкин бўлган одамнинг номини ёзиб кўрсатишни назарда тутиб тарқатилган. Бу йўл билан ўз душманларига зарба ҳам берганлар) ва бошқа кўпгина топилмалар киради.

Шундай манбалар орасида табиий фалокат натижасида ташлаб кетилган шаҳарлар (Ферадаги Акратир, Италиядаги Помпей ва Геркуланум) ёки босқинчилар вайрон қилган ва кейин одамлар яшамаган (Халкидада Олинф, Этрурияда Акваросса, Сицилия яқинидаги Моция оролчаси) жуда катта аҳамиятга эга. Улар аслидек сақланиб қолган, археологик ёдгорликлар сифатида жуда бой ахборот манбаидирлар.

Акрополлар юнон шаҳарлари қурилиши бошланган тепаликлар бўлиб, кейинчалик Римда Капитолий, Карфагенда Бирса ривожланиб кетган ва бу жойда ибодатхоналар қурилган, шаҳарнинг марказига айланган. Яшаш учун мўлжалланган уй-жой кварталларини, кўчаларни қазиб ўрганиш шаҳар тузилишини, қурилиш хусусиятларини билишга, ёзма манбалар билан таққослаб ўрганишга ёрдам беради. Ҳозирги даврда юнон ва этрускларнинг бир ва икки қаватли уйларининг тузилиши яхши ўрганилган. Помпей, Геркуланум шаҳарлари Ослия ҳовлилари, уй ичидаги безаклари, ўсимликлари ҳам тикланган. Ослиядаги инсуллар (кўп қаватли уйлар), уларнинг пойдеворлари, деворлари Карфагенникига ўхшаб кетади. Саройлар қадимги Юнонистон ҳаёти ва мафкурасининг индикатори сифатида ўта аҳамиятлидир. Крит-Микен саройлари ҳашаматли бўлган ва ўша давр шарқ олами маданияти таъсирида қурилган. Юнонистон спорт мажмуалари, айниқса, болалар ва ўсмирлар учун қурилган палестралар, гимнасийлар (катта ёшдаги кишилар учун), умумюнон спорт ўйинлари маркази — Олимпия қазиб ўрганилган ва қимматли тарихий

маълумотлар олинган. Шунингдек, диний маросимлар ўтказишга мўлжалланган қурилишлар — муқаддас ибодатхоналар қолдиқлари беқиёс аҳамиятга молик.

Юнонистондаги, Эрондаги («Шоҳ йўли») ва кейинчалик Римдаги йўллар қолдиқлари уларнинг қурилиш технологиясини, йўллар аҳамиятини ўрганишга ёрдам беради. Қадимги дунё тарихида Рим йўллар қуриш соҳасида энг юксак технологияга эга бўлган. Йўл қуриш соҳасида қўлга киритилган муваффақиятлар аввал Италияда, кейинчалик бутун Эгей ҳавзасида Рим яшаш тарзининг, таъсир доирасининг кенгайишига хизмат қилган.

Қадимги портлар, чўкиб кетган кема қолдиқлари, антик ишлаб чиқариш мажмуалари, меҳнат қуроли, конлар, қурол-яроғ, сопол идишлар, шиша буюмлар, фишталар, черепицалар, тақинчоқлар, ойналар, ҳайкаллар, мозаикалар, қабристонлар, пойтахтлардаги монументал ёдгорликлар, мудофаа деворлари, ёзувлар, лавҳалар, муҳрлар археологик қазилмалар натижасида топилган ва кенг ўрганилган. Улар Эгей цивилизациясининг ривожланиши жараёнини, унинг таъсир доирасини ўрганишга, тушуниб етишга, кўпгина муҳим масалаларни аниқлашга ёрдам беради.

XIX асрдан бошлаб антик даврни ўрганишда эпиграфик манбалардан кенг фойдаланилмоқда. Ибодатхоналарнинг, алтарларнинг деворларига, қабристонлардаги марҳумларнинг қабр тошларига ёзилган матнлар олимларга бошқа манбаларда учрамайдиган фактларни ўрганишга, ёзма манбалар билан қиёслашга, уларнинг ёзилган даври ҳақида ишончли далиллар сифатида фойдаланишга имкон яратади. Эпиграфик манбалар орасида энг муҳимлари идишлардаги ёзувлар, ҳар хил шахслар ҳақидаги декретлар, халқ йиғинларининг қарорлари, Рим учун анъанавий бўлган қисқача календар ёзувлари, турли эълонлар, баъзи ҳодисалар тўғрисида деворлардаги ёзувлар ўша давр руҳини, нафасини туйишга ёрдам

боради. Баъзи ҳолларда бундай эпиграфик материаллар орқали ёзма манбаларда учрамаган фактларни билиб олишимиз мумкин. Юнон ва латин ёзувлари шунчалик кўпки, улар асосида айрим шаҳарлар тарихига доир ҳар хил мавзулар бўйича тўпламлар нашр қилинган. Этруск ёзувлари ҳам жуда кўп сақланган. Уларнинг сони 11000 га боради. Бу ёзувлар тўплами 1954 йилда биринчи, 1968 йилда иккинчи марта нашр қилинган. Бундан ташқари икки томлик «Этруск тили хазинаси» («Сокровищница этрусского языка») нашрдан чиққан. Ҳозиргача 8000 га яқин Карфаген ёзувлари топилган. Бу ёзувлар ичида энг қимматли маълумотларни молиявий ҳисоботлардан (уларда кўрсатилган харажатларнинг нимага ва қанча миқдорда белгиланганлиги ҳақида) оламиз. Ибодатхоналарга киришда эҳсон миқдорлари ҳам ёзиб қўйилган. Бундай манбалар орқали ҳар хил табақага мансуб одамларнинг кундалик ҳаёт тарзи қандай бўлганлиги ҳақида анча тўлиқ маълумотлар олинган.

XIX асрнинг 70-йилларида эпиграфик маълумотлар папирологик манбалар билан тўлдирила бошланди. Антик Ўрта Ер денгизи ҳавзаси тарихини папируслардаги матнларни таҳлил қилмасдан туриб ўрганиш мушкул. Папируслар асосан носиқ иқлимли Мисрдан ва Везувий вулкони отилиши натижасида вайрон бўлган Геркуланум шаҳрида (Италия) бир виладаги фалсафий адабиётлардан иборат кутубхонада кўп топилган. Уша даврда саводли одамлар ўзлари ёки дўстлари учун шоирларнинг шеърларини, бадий асарлардан парчалар кўчириб олганлар.

Мисрда шаҳар ва қишлоқларнинг четларидаги чиқинди тепаликларидан 10000 га яқин юнон ёзувларидан иборат папируслар топилди. Уларни ўрганиш натижасида кўпгина юнон шоирларининг шеърлари, Софокл, Эврипид трагедияларининг баъзи қисмлари, Менандрнинг умуман йўқолиб кетган комедиялари тикланди. Энг катта топилма Аристотелнинг «Афина политияси» эди. Папирусларнинг топилиши папирология фанининг пайдо бўлишига ва ривожланишига тўртки берди.

қадимги Урта Ер денгизи ҳавзаси тарихини ўрганишда антик давр тангаларининг аҳамияти ҳам каттадир. Олимлар тангалар, эпиграфик ва папирологик манбалар билан анча аввал таниш бўлганлар. XVIII асрдаёқ, Венада қадимги тангалар коллекцияси анча тўлиқ ўрганилган. Тангалар жуда муҳим ахборот манбаи бўлиб, баъзи ҳолларда улардаги тасвир орқали бизгача етиб келмаган ҳайкаллар ҳақида маълумот оламиз. Мисол учун Олимпия ибодатхонасидаги Зевс, Родосда Родос Колосский ҳайкалларининг асл куринишини ўша давр тангаларидаги тасвирдангина биламиз. Пифагорнинг портрети ҳам тангалардагина сақланган.

Юнон шаҳарларининг архаик кумуш тангалари биринчи тарихий асарлардан камида юз йил илгари зарб этилган. Тангалар юнон колонизацияси чегараларини аниқлашда ҳам, иқтисодий, савдо-сотиқ алоқаларининг қамрови ҳақида ҳам ахборот беради. Эллинизм даври тангаларини полислар ўрнида ташкил топган давлат ҳукмдорларининг портретлари галереяси, деб атаса ҳам бўлади, чунки бу даврга келиб, тангаларда ҳукмдорлар суратини тасвирлаш одат тусини олган эди.

Этрусск тангалари юнон тангалари билан бир пайтда, яъни, мил.ав. VI асрдан зарб этила бошланган. Этруриянинг барча шаҳарлари ўз тангаларига эга бўлганлар. Ёзма манбаларнинг озлиги натижасида тангалар баъзи ҳолларда Этрурия тарихи бўйича ягона манба ҳисобланади. Мил.ав. 480 йилдан Финикия ва Карфаген тангалари пайдо бўлди. Финикия тангалари форс тангалари таъсирида, Карфаген тангалари эса юнонлар таъсирида зарб қилинган. Рим тангалари мил. ав. 340 йиллар атрофида пайдо бўлган. Унгача этрусск ва юнон тангалари муомалада юрган. Тангалар баъзи ҳолларда топилмаларнинг даврини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Айрим музейларда (масалан, Британия музейида) кўп сонли антик тангалар сақланиб келмоқда ва улар тарихни объектив ёритишга кўмаклашмоқда.

Шундай қилиб, моддий маданият ёдгорликлари антик давр Урта Ер денгизи ҳавзаси халқларининг 2,5 минг

Йиллик тарихи ва маданияти ҳақида ҳар тарафлама маълумот манбаидир.

Крит ороли — Европанинг энг қадимги цивилизация ҷуққларидан бири. Антик даврда Крит майин иқлими, ўрмон ва ўсимликларнинг мўллиги учун ботаник мўъжиза ҳисобланган. Крит ҳақида жуда кўп афсоналар тўқилган. Уларнинг бирида ёзилишича худолар ва одамлар подшоси Левс Критда тарбияланган. Кейинчалик у Критни ўғли Миносга берган. Минос эса Критда ўзига ҳашаматли сарой қурдирган ва қудратли давлат барпо этган.

XIX асрнинг 90-йилларидан Критда мунтазам археологик қазишмалар бошланган ва оролнинг юнонларгача бўлган тарихи анча муфассал ўрганилган. Критнинг энг қадимги маданиятини Артур Эванс (1851-1941 йиллар) Кноссда археологик изланишлар олиб борганда кашф қилади ва Критнинг подшоси афсонавий Минос номига боғлаб, уни «Миной маданияти» номи билан илмий муомалага киритади. 35 йил давомида археологик қазишмалар олиб борган Артур Эванс Кноссдаги саройдан мил.ав. 3-2 минг йилликларга оид лойдан ясалган номаълум ёзувли лавҳачалар, пиктографик ва иероглофик тасвири муҳрлар топган. Бу критликларнинг ёзуви бўлганини ва унинг такомиллашиб борганини тасдиқлайди. Мил.ав. XVII асрда пайдо бўлган бўғинли ёзувни мил.ав. XV асрдан янги бўғинли ёзув сиқиб чиқарган. Бу ёзувларни ўргана бошлаган Артур Эванс энг қадимги крит ёзувини «А» чизиқли хат, кейинроқ қўлланганини «Б» чизиқли хат деб атади. Лекин, уларни бирданига ўқий олмади.

Крит Эгей денгизи ороллари ҳалқаси, Европа, Осиё ва Африка қитъаларидан деярли бир хил масофада жойлашганлигидан, ўзаро маданий алоқалар таъсирида ривожланган. Критда мил. ав. VII минг йилликда (неолит даврида) одамлар яшаган. Бетакрор маданиятнинг яратилиши бронза асрига тўғри келади. Унинг тарихи 4 даврга: Саройларгача бўлган даврга (мил.ав. 2600-2000 йиллар); қадимги саройлар даврига (мил.ав. 2000-1700

йилликларда бу ерга кўчганлар. Бу кўчишнинг сабабини билмаймиз. Лекин ахеяликларнинг энг машҳур қабили бўлганлиги ҳақида маълумотлар сақланган. Хетт ёзувларида Эгей соҳилида ва оролларида яшаган халқлар ҳақида, Ахея давлати ҳақида маълумотлар бор. Гомер дostonларида, юнон афсоналарида ахеяликлар энг қадимий ва кучли юнон қабилаларидан бўлганлиги айтилади. Миср манбаларида уларга ҳужум қилган «денгиз халқлари» қаторида ахеяликлар ҳам бўлганлиги тасдиқланади. «Б» чизиқли хат тилини одатда ахея тили, мил.ав. II минг йилликдаги Юнонистон тарихини Ахея тарихи ҳам деб атаганлар. Маҳаллий аҳоли ахеяликлар билан ассимиляция бўлиб қўшилиб кетган. Деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ривожланган. Мил.ав. II минг йилликнинг биринчи ярмида пайдо бўлган Микена илк давлатнинг марказига айланган. Подшолик мақбараларидан топилган буюмлар жуда нафис ва қимматбаҳодир.

Ахеяликлар кўп урушлар олиб борганлар. Уларнинг сўнгги йирик ҳарбий ҳаракатлари Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» асарларида тасвирланган Троя урушидир (Кичик Осиёнинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган). 10 йил давом этган оғир урушдан кейингина Трояни эгаллаганлар. Мил.ав. XII асрда дорий қабилалари Болқон ярим оролининг шимолдан жанубига кўча бошлаганлар ва кўпгина майда давлатларни босиб олганлар (уларнинг темир қуроллари бўлган, ахеяликларники эса бронзадан эди). Ахея қочоқлари қисман Аттикага, қисман Кичик Осиёга, Кипр оролига ўрнашиб олганлар, ўзлари билан бўғинли чизиқли хатни олиб келганлар. Дорийлар босиб олган ерларда уруғдошлик муносабатлари жорий қилина бошланган. Ахея давлати емирилгач, бўғинли ёзув ҳам унутилади.

Микен марказлари, Трояни археологик ўрганиш тарихи Генрих Шлиманнинг (1822-1890) фаолияти билан боғлиқдир. У Гомернинг «Илиада» дostonида тасвирланган Трояни топиш мумкин, деб ҳисоблади ва 1867 йилда

инглиз археологи Франк Келверт билан учрашгач, унинг турк ҳукуматидан сотиб олган Гиссарлик тепалигининг яқинида қазилма ишларини бошлади. 1871-1873 йилларда бу ерда кўп қимматбаҳо буюмлар топилди ва Гомер Троясидан ҳам қадимги Троя бўлганлиги аниқланди. Айни пайтда Микендаги «Шерлар дарвозаси» яқинида олиб борган қазилмалари фанга кўп янгиликлар киритди. «Микен маданияти» маркази топилди. Шлиман вафотидан сўнг унинг бош маслаҳатчиси Вильгельм Дерпфельд 1893-1894 йилларда Трояда қазилма олиб борди ва 1902 йилда «Троя ва Илион» асарини чоп этди. Троядаги археологик изланишларнинг янги босқичи 1932-1938 йилларда Карл Блеген раҳбарлигидаги Америка экспедициясининг қазилмаларидан бошланди.

1920 йиллардан бошланган инглиз экспедицияси А. Уэйс, Америка экспедицияси К. Блеген раҳбарлигида Микенда қазув ишларининг натижалари «Микен маданияти» Крит маданиятининг бир йўналиши эмас, балки мустақил цивилизация эканлигини исботлади.

1939 йилда К. Куруниотис ва К. Блегенларнинг юнон-америка экспедицияси Пелопоннесда Нестор саройини топди. У ерда пишиқ лойдан ясалган 600 дан ортиқ «Б» чизиқли хат ёзуви бўлган лавҳачалар топилди (мил.ав. XIII-XII асрларга оид). Бундай лавҳачаларни кейинчалик кўп ердан топганлар ва уларнинг умумий сони бир неча мингга етган. Лекин қанча уринишмасин олимлар уларни ўқий олмаганлар.

1952-1953 йилларда инглиз архитектори Майкл Вентрис «Б» чизиқли хатни ўқиган. У 14 ёшидан Эгей маданиятига қизиққан ва чизиқли хатнинг белгиларини ва қўшилишини ўрганган. Бу тадқиқотга филолог олим Жорж Чэдуикни жалб қилган. Пилосдан топилган лавҳачаларда ҳам шундай ёзувларни ўрганган олимлар уларнинг маъносини ифодалаган расмларга қараб, «Б» чизиқли хат ёзувини ўқиб чиққанлар. Шундан Эгей оламининг энг қадимги тарихини ўрганиш бошланди. Бронза асри шаҳарлари ва қишлоқ манзилгоҳларини

Ўрганиш жараёнида уларнинг маданияти бир хил бўлганлиги аниқланди. Уни Микен маданияти деб атадилар (Пелопонес, Ўрта ва Шимолий Юнонистон ерлари). Микен маданияти Крит маданиятидан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам А. Эванснинг «крит-микен маданияти» атамаси хато ҳисобланмоқда. Бу маданиятларнинг бир-бирига ўзаро таъсир доирасида ривожланганликлари шубҳасиз. Уларни бир бутун Эгей маданияти деб аташ тўғрироқдир, чунки у маркази Эгей денгизи бўлган минтақада шаклланган.

II жаҳон уруши даврида тўхтаб қолган археологик қазишмалар 1952 йилдан бошланиб, бугунги кунгача давом этмоқда ва Юнонистоннинг, Эгей оламининг энг қадимги даврларини тўлиқ ўрганишимизга асос бўлмоқда.

Шундай қилиб, қадимги Юнонистон тарихига доир манбалар оламининг бойлиги, ранг-баранглиги антик давр тарихи ҳақида анча тўлиқ тасаввурга эга бўлишимизга ёрдам беради, бизни тарихий ҳақиқатга яқинлаштиради.

АМИР ТЕМУР ИЖТИМОЙИЙ-ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ

Ўзбек давлатчилиги тарихида бошқарув анъаналари асрлар оша сайқалланиб, мукаммаллашиб келган. Чунки тарихий жараёнлар силсиласи тараққиёт ва инқироз, ривожланиш ва турфунлик, гоҳо беқарорлик билан кечиши давлат бошқарувининг нечоғли ташкил этилганлигига боғлиқ бўлган.

Ҳар бир тарихий шахснинг давлат бошқарувидаги салоҳияти, сиёсий-ҳарбий фаолияти, унинг ҳукмронлиги шировард натижаси билан алоҳида аҳамият касб этади. Ватанимиз тарихи саҳифаларидан ўрин олган ҳар бир ҳодисанинг мазмун-моҳияти, ибтидосию интиҳоси маълум бир ижтимоий-маънавий ҳодиса таъсирида содир бўлган. Кўп ҳолларда давлат бошқарувини юритишда ҳукмдорнинг иқтидори, маънавий-сиёсий салоҳияти мавжуд сулоланинг гуллаб-яшнаши ёхуд офир инқирозининг бош омилига айланган.

Амир Темур ўзининг бор ижодий салоҳиятини, саркарда, сиёсатчи ва дипломат сифатидаги қобилиятини давлатчиликни мустаҳкамловчи, миллий зиддиятни ва феодал тарқоқликни тугатишга йўналтирди.

Ўша даврда давлатчилигимизнинг аввалги даврларида анъана тусини олган даргоҳ ва девон тизими бошқарувнинг асоси ҳисобланган. Бу икки тузилма фаолияти адолат ва тенглик тамойилларига ва жамиятнинг турли тоифалари манфаатларига таянган. Бутун бошқарув жараёни кенгаш, машварат ва маслаҳат усуллари орқали амалга оширилган. Ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ва сиёсий-ҳарбий ислохотларни ўтказишда кўпчилик фикрларини тинглаш ва билиш одат тусига кирган.

Чунончи, Амир Темур давлат бошқарувининг бир қисми сифатида ҳарбий бошқарувни ташкил этар экан,

бунда ўтмиш ва замонасининг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланишга жиддий эътибор қаратди. Давлат бошқарувида кўпчиликнинг фикри, манфаати, хоҳиш-истаги, дарду ташвишини ҳисобга олиш ва шулар асосида сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий истиқболли режаларни белгилаш тажрибаси қадимдан бошқарувнинг кўпгина тармоқларини ислоҳ қилишда ўз самарасини бериб келган. Бу тамойилга давлатчилигимиз тарихида ҳукмдорлардан қайси бири жиддий аҳамият берган ёки бермагани бошқа масала. Аммо Соҳибқирон бобомиз давлат бошқарувининг айнан кенг синовдан ўтган тажрибаси — кўпчилик маслаҳатлари, таклифлари ва фикрларига алоҳида эътибор берди. У учун бу усул фаолияти давомида сиёсат тизгинини мувозанатда тутиб турувчи энг зарур омил ҳисобланган.

Ҳарбий юришлар фақатгина кўпчилик иштирокидаги кенгашлар ва машваратлар билан бошқарилган. Шу боис жуда кенг ҳудудларни ўз измига бўйсиндирган Амир Темурнинг ҳарбий саркарда сифатидаги довуғи ва ҳарбий юришларда қўлга киритган ютуқларида кенгашлар, машваратларнинг ўрнини ўрганиш лозим кўринади. Чунки Соҳибқирон фаолиятининг илк йилларидан бошлаб, рақиблари устидан ғалаба қозонишда айнан маслаҳат, тадбиркорлик, қатъият, шижоат, ҳушёрлик, эҳтиёткорликка, муросаю мадора ва сабр-тоқат билан иш тутишга ҳаракат қилди. Қайси бир ишга қўл урмасин, ўша соҳанинг билимдонлари, тажрибали арбоблари билан суҳбат қурар, улардан маслаҳатлар олиб, кейинги фаолиятини белгиларди. Бундан ҳарбий соҳа ҳам мустасно эмас¹. Амир Темур ҳарбий юришлар олиб борар экан, муҳораба сирларини ипидан-игнасигача ўзлаштиришга ва ўрганишга ҳаракат қилган. Бу нарса унинг беназир ва шиддатли қўмондон сифатида ҳарбий ҳаракатлар олиб боришида алоҳида ўрин тутган. Айнан амирлар ва ҳарбийлар билан маслаҳатлашув, фикр алмашиш ва тажриба орттириш жойи кенгашлар бўлган.

¹ Темур тузуқлари. Т., 1996. 65- бет.

Ҳарбий юришлар олиб боришда ўтказилган кенгашлар ўзига хос хусусият, мазмун ва моҳият касб этган. Биз бундай кенгашларнинг ҳарбий мақсадда чақирилишини ҳисобга олиб, шартли равишда «ҳарбий кенгашлар» дея атадик. Ва ҳарбий кенгашларни ўтказилиш вақти, ўрни, иштирокчилар таркиби, кўриб чиқадиган масалалари моҳияти жиҳатидан уч хил кўринишда ёритишни лозим топдик. Булар ҳарбий кенгаш, ҳарбий машварат ва ҳарбий маслаҳатдир.

Одатда тарихий воқелик салтанатдан ҳарбий салоҳиятни ишга солишни тақозо этган, бирор-бир ҳудудга ҳарбий юришга ундаган вазиятда ҳарбий юришга жалб этиладиган кучлар ҳамда бу кучларнинг моддий ва жанговарлик қобилиятини сақлаш билан боғлиқ жуда кўп масалаларнинг ечимини топиш учун катта стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳарбий кенгаш чақирилган. У қатнашчилар таркибининг кўплиги ва катта ҳарбий масалаларни муҳокама этишга бағишлангани билан бошқа йиғинлар ва машваратлардан ажралиб турган.

Ҳарбий кенгаш кўпчилик давлат амалдорлари иштирокида ташкил этилган. Унда ҳукмдор, вазирлар, шаҳзодалар, доруғалар, қутволлар, қабила оқсоқоллари, амир ал-умаро, беглар бегилар, амирлар, туманбегилар, мингбеги, юзбеги ва ўнбегилар қатнашган. Иштирокчиларнинг асосини барлос, тархон, арғун, жалойир, тулкичи, дулдой, мўғул, сулдус, туғой, қипчоқ, арлот ва тотар сингари тамға олган қабилалардан бўлган 313 амир ташкил этган.

Ҳарбий кенгаш кўпинча давлат пойтахтида ёки таянч қароргоҳларда, қишда ёки эрта баҳорда ўтказилган. Фавқулодда вазиятлар, қисқа масофада олиб бориладиган урушлар ва об-ҳавонинг инжиқликлари пайтида ўтказиладиган ҳарбий кенгашлар бундан мустасно. Ҳарбий кенгаш давлат марказида ўтказилганда, фикримизча, ҳукмдор барча амалдорлар ва давлат аъёнларини ўзининг саройида тўплаган. Расмий тарзда кенгаш ўтказиш жойи ҳам ҳукмдор саройи бўлган. Хабар

етиши биланоқ, барча иштирокчилар йиғин жойи – давлат пойтахтига тўпланишган. Аммо салтанат ҳудудининг ҳаддан ортиқ кенглиги иштирокчиларнинг тезлик билан йиғилишини қийинлаштирган. Шунинг учун ҳукмдор давлат пойтахтидан туриб, ҳарбий кенгаш ўтказиш кунини белгиллаган ва барча вилоятларга олдиндан ёрлиқлар жўнатган. Бунинг яна бир томони борки, ҳарбий юриш бошлаш билан боғлиқ муаммолар осон ҳал этиладиган масала эмасди. Шу боисдан маъмурий марказда ҳарбий юришлар олиб боришда лозим бўладиган қўшин таъминотини тахт қилиш учун энг қулай бўлган жиҳатлар ва имкониятлар изланиб, тегишли қарорлар қабул қилинган. Чунки, давлат хазинаси ва моддий захира давлат пойтахтида жойлашган. Зарур пайтларда эса таянч қароргоҳларда ҳам ҳарбий кенгаш ўтказилаверган.

Кўп ҳолларда ҳарбий кенгашнинг қишда ёки эрта баҳорда чақирилишига сабаб узоқ муддатли ҳарбий юришларга жўнаш учун аскарлар маълум вақт тайёрланиши лозим эди. Агар ҳарбий кенгаш дарҳол ўтказилиб, юриш кунини белгиланмаса, кунлар исиб кетганидан сўнг, узоқ масофали ҳарбий юриш кечикиб, қўшин сафарда қийинчиликка учраши мумкин эди. Шу боисдан қиш чиққач, кунлар исиб кетгунига қадар, қўшинни аскаргоҳга тўплашга жиддий киришилиб, ҳарбий ҳаракатлар бошлаб юборилган. Демак, ҳарбий кенгаш ва ҳарбий юришда об-ҳаво ҳолати энг эътиборга молик омиллардан ҳисобланган. Масалан, Амир Темур Қорабоғда Гуржистонга навбатдаги ҳарбий юришни бошлаш учун ҳарбий кенгашни 1401 йилнинг эрта баҳорида чақирган¹.

Ҳарбий кенгаш бутун бир ҳарбий юришда иштирок этаётган ҳарбийлар, уларнинг қуролланиши, жиҳозланиши, моддий таъминоти, захира кучларини ажратиш, сафар учун керак бўладиган етарлича

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Т., 1992. 229- бет.

аниёларни жамғариш, қўшин сонини ҳал қилиш сингари масъулиятли вазифаларни белгилаши лозим эди. Дейлик, Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши юриш учун чақирилган кенгашда Амир Темур, унга қарши юриш учун қўшин сони ва тайёргарлиги етарли даражада адо этилишига эътиборини қаратади¹

Ҳарбий кенгашнинг қарори ижросини таъминлашда тавочиларнинг ўрни катта бўлган. Тавочилар қўшин билан боғлиқ ишларда ҳукмдор ва амирлар ўртасидаги жавобгар шахс ҳисобланиб, доруға, қутвол, мингбеги, юзбеги ва ўнбегилардан фарқли ўлороқ, белгиланган лашкар сонининг тахт бўлиши, тайёргарлик даражаси ва таъминоти талабга жавоб беришини назорат қилиш каби масъулиятли ишларни бошқарганлар. Айнан бош тавочилар (пиёда аскарлар тавочиси ҳам бор) туманот (ўн минглик), хазаражот (минглик), садажот (юзлик) етакчиларидан, вилоят бошлиқларидан қўшинни ўз вақтида белгиланган сон ва сифат тайёргарлигида етказиб келиш тўғрисида тилхат олганлар.

Ҳарбий кенгашда урушнинг фойдали ва зиён томонлари кўздан кечирилиб, рақиб ҳақида барча маълумотлар олиниб, унинг имкониятлари пухта кўриб чиқилган. Амир Темур кенгаш очилгач, амирлар фикрини тинглаб, уларнинг ҳарбий юришга хоҳиши бор ёки йўқлигини билишга ҳаракат қилган. Уларнинг ихтиёрига ўз таклифини қўйиб, бунга озчилик ёки кўпчилик хоҳишининг мослигини аниқлаган. Агар иштирокчиларнинг кўпчилиги уруш очиш ёки ҳарбий юришни бошламаслик таклифларидан бирига кўпроқ овоз берса, бу фикрга алоҳида эътибор қаратган. Чунки, ҳарбий кенгаш масъулиятидаги вазифа ҳарбий юришга фатво беришдан иборат бўлибгина қолмай, балки уруш туфайли юз берадиган иқтисодий ва сиёсий аҳвол одамлар турмушига қай даражада таъсир этишини ҳисобга олиш ва унинг фойдали ва зиён томонларини давлат аҳамиятига

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома, изоҳлар 336- бет; Хилда Хукҳем. Етти иқлим султони, Т: «Адолат», 1999 й, 113- бет.

таалмуқли даражасини кўриб чиқишдан ҳам иборат эди. Уюштирилган ҳарбий юришлар давлатлараро муносабатларга путур етказиши ва тамомила барҳам топишига сабаб бўлган. Шу боисдан ҳарбий кенгаш иштирокчилари қуруқ фикрни эмас, фуқаролар ўртасидаги муносабатлардан тортиб, давлатлараро муносабатларга, этник ва миллий муаммоларга ижобий ёки аксинча таъсир этиши керак бўлган ва ҳар томондан пухта ўйланган таклифларни билдирганлар.

Амир Темурнинг ҳарбий юришларни жуда пухталиқ билан олиб боришини асословчи яна бир жиҳат шундаки, у рақиб ҳақида маълумот тўплаш учун ҳар бир мамлакатга юбориладиган айғоқчилардан унумли фойдаланган. Бундай маълумотлар ҳарбий кенгашда муҳим аҳамиятга эга бўлган, яъни кенгашда айтилувчи фикрларнинг ҳар бири аниқ далилларга асосланган. Айғоқчилар чаканафуруш, йирик савдогар, полвон, дорбоз, ҳунарманд, мунажжим, қаландар, дарвеш, денгизчи, сайёҳ, мешкобчи, этиқдўз, толиб ниқоби остида юрганлар. Ибн Арабшоҳнинг хабар беришича, Амир Темур айғоқчилар орқали рақиб қуроли кучлари, стратегик имкониятлари ва салоҳияти, нуқсонларию камчиликларидан яхшигина хабардор бўлган¹.

Демак, Амир Темур даврида ҳарбий кенгаш ҳарбий юришни бошлаш ёки бошламаслик, сафарбар этиладиган аскарлар, жуда катта моддий захирани таъминлаш, аскаргоҳ ўрни ва юриш вақтини белгилаш сингари масалаларни кун тартибига қўйган. Бу ҳарбий юриш жараёнида уюштириладиган йиғинларнинг асосий босқичи ҳисобланган.

Ҳарбий юришлар билан боғлиқ катта ва чигал масалаларнинг ижобий ечим топишида ҳарбий кенгаш қанчалик муҳим рол ўйнаган бўлса, ҳарбий ҳаракатлар жараёнида, энг долзарб вазиятларда машваратга кўпроқ

¹ Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ул-мақдур фи ахбори Темур. Т., 70-71 бетлар; Темур тузуклари, 67 бет; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи, Т: Шарқ, 2000. 189- бет.

ни босилганлиги сезилиб туради. Кенгаш чақириш имкони бўлмаган пайтда ёки кенгаш кун тартибига киритиш шарт бўлмаган, ammo зудлик билан ҳал этилиши заруратга айланган масалалар ҳарбий машваратда кўрилган. Ҳарбий машварат ҳарбий кенгашнинг узвий давоми бўлиб, кўрилган масалалар моҳияти жиҳатидан ундан анча фарқ қилади: ҳарбий кенгаш юриш бошлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этса, ҳарбий машварат юриш натижада юзага келадиган жиддий масалаларнинг ечимига қаратилган. Жумладан, душманни қай тартибда маҳв этиш масаласи кўп ҳолларда ҳарбий машваратларнинг объекти ҳисобланган.

Ҳарбий машваратда ғанимнинг аҳволи, қуролланиш даражаси, мазкур пайтда қаерда турганлиги, унинг ҳарбий истеҳкомлари, мудофаа қобилияти қунт билан ўрганилиб, асосий эътибор унга қай йўсинда зарба бериш, жангда қандай ҳарбий усулдан фойдаланиш ва бунда қанотларнинг амал қилувчи вазифалари, бўлинмаларнинг муҳорабада ҳаракатланиш қоидалари, шунингдек, ғалабага кўмак берувчи бошқа муҳим тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган. Чунончи, 1398 йил 13 декабрда Деҳли шаҳрининг Луни қалъаси шарқида Султон Маҳмуд билан жангга кириш олдидан ўтказган ҳарбий машваратда рақибни қай йўсинда мағлуб қилиш масаласи кўрилган¹.

Ҳарбий машварат ҳарбий кенгашдан фарқли ўлароқ, сафарда, ўтказилиш вақти эса иштирокчиларга олдиндан хабар берилмасдан, муаммо туғилган вазиятда дарҳол чақирилган. Чунки иштирокчи амирлар ва мансабдорлар қўшинни бошқариб, улар билан бирга юрган. Шунинг учун биргина юришнинг ўзида 2-3 мартаба рақиб аҳволи ва жанг вазиятига қараб, ҳарбий машварат ўтказилаверган². Амир Темур қаерга қўшин тортмасин, лашкарларнинг адашиб кетмаслиги ва кўзланган

¹ Қаранг: Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. Т: «Ёзувчи», 1996. 65-66- бетлар.

² Низомиддин Шомий. Зафарнома: Т., 1996. 152-156- бетлар.

манзилга қисқа, равон ва хавфсиз йўллар билан етиб боришини таъминлаш мақсадида маҳаллий аҳолидан қачирчилар ёллаган. Умуман ҳарбий машварат жанг пайтида қўшин қанотлари ва бўлинмаларининг ҳаракатланиш чизиқларини кўрсатиш билан бирга, уларнинг жанг бошланишидан аввал ҳам ҳарбий юриш йўналишини белгилаб берган.

Хуллас, ҳарбий юриш бошланганидан якунига етгунча бўлган жараённинг энг муҳим муаммолари ҳарбий машварат орқали ўз ечимини топган. Ҳарбий машваратдаги муҳокама жараёнининг қанчалик мукамал олиб борилганлиги, бўлажак муҳорабада ўз натижасини берган. Ҳарбий машварат бўлажак жанг режаси, тактикасини ишлаб чиққан ва тасдиқлаган.

Кўпинча ҳарбий юришлар билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилиш, уларга ечим излашда ҳарбий машваратдан кўра кичикроқ суҳбат тарзидаги йиғин — маслаҳат уюштирилган.

Ҳарбий маслаҳатда қўл остидаги барча амир ёки ҳарбий унвондаги аскарлар эмас, муқаддам жангларда зафар қучиб, ҳукмдор эътиборини қозона олган тажрибали амирлар иштирок этган. Таъкидланганидек, иштирокчилар сони ҳукмдор билан бирга бир, икки ёки ундан кўпроқ кишиларни ташкил қилиши мумкин эди. Бу хусусда қуйидаги далил эътиборли. 1360 йил Туғлуқ Темур Мовароуннаҳрга бостириб келаётганини эшитиб, Кеш ҳокими Ҳожи Барлос ва Хўжанд ҳокими Боязид Жалойир Амир Темур билан Хуросонга кетиш ёки мўғул хони ҳузурига бориш тўғрисида маслаҳатлашадилар. Амир Темур уларга Туғлуқ Темур ҳузурига борса, икки фойда бир зарар кўришларини, агарда Хуросонга кетсалар, икки зиён бир фойда борлигини маслаҳат беради. Кўраяшмизки, ўтказилган маслаҳатда уч киши қатнашган.

Ҳарбий маслаҳатда, ҳукмдор бирор муаммони ҳал қилишга чоғланган пайтларда, ишончли кишиларни ҳузурига чақириб ёки уларнинг олдида бориб

маслаҳатлашган. Бошқа ҳолларда ҳарбий мансабдорлар душман ҳақида ёки турар жой, йўл ва манзилгоҳ масаласида ҳукмдорга арз билан кирган. Ва уларнинг маслаҳати ишончли бўлсагина, амал қилинган. Масалан, Дамашқ шаҳрини фатҳ этиш учун отланилган пайтда юртчилар: «Бир неча кундан бери манзилгоҳ қилиб турилган бу мавзеда ўт қолмади. Дамашқнинг шарқ томонида сув ва ўт кўп, агар улар муҳлат сўраган бир печа кунда у томонга кўчиб борилса, муносиб бўларди, уловлар тиниб, осойиш топардилар», дея маслаҳат берадилар¹. Демак, ҳарбий маслаҳат икки хил кўринишда ташкил этилган: ҳукмдор хоҳиши туфайли ишончли ва зарур одамлар билан; амир ва махсус хизмат вакиллариининг зарурат юзасидан вазиятни бартараф этиш учун арз орқали ҳукмдор ҳузурига кириши билан. Ҳар икки хил кўринишдаги ҳарбий маслаҳатларнинг ҳарбий юришлардаги аҳамияти бирдай катта бўлган.

Айрим ҳолларда кенгашлар кун тартибига қўйилувчи баъзи масалалар (уруш очиш ёки очмаслик, рақиб устига ҳужум қилиш, олдинга илғор юбориш, қўшин бошлиқларини танлаш ва уларга вазифалар юклатиш, ҳарбийлар кўмагида бинокорлик ишларини олиб бориш ва ҳ.к) ҳарбий маслаҳат билан ҳал этилган. Бундай ҳолат ҳарбий кенгаш ва ҳарбий машварат ўтказишга ҳожат бўлмаган пайтда амалга оширилган. Ҳарбий юришларнинг бирида исён йўлини тутган туркманларга қарши юриш, амирзода Бурундуқ маслаҳати билан бошланади. Низомиддин Шомий бу ҳақда: «амирзода Бурундуқ Амир Соҳибқиронга арз қилиб: «Бир жамоа туркманлар бор, уларга Хизрбек ва Иброҳимбеклар сардордирлар. Улар итлоат йўлидан юз ўтирдилар», деди. Дарҳол нусратшиор аскарлар улар томон жўнасинлар, деган фармон бўлди», деб ёзади².

Ҳарбий маслаҳат муҳокамасидаги баъзи масалалар анчайин жиддий кўринишга эга бўлиб, юриш билан

¹ Шомий. Зафарнома, 70-80-бетлар.

² Шомий. Зафарнома, 351-бет.

боғлиқ сирли ишлар ҳам, ишончли ва тажрибали кишилар билан шу муъжаз йиғинда ҳал этилган.

Келтирилган маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, Амир Темур даврида ҳарбий маслаҳат оз сонли кишилар иштирокида юриш бошлашдан аввал, сафар пайтида ва муҳораба чоғида юзага келган баъзи мураккаб муаммоларни ечиш учун ҳарбий кенгаш ва ҳарбий машварат ўтказиш лозим топилмаган вазиятларда уюштирилган.

Давлат бошқарувининг ҳарбий кенгаш, машварат ва маслаҳат усуллари Соҳибқирон Амир Темурнинг давлат бошқаруви ва саркардалик салоҳиятининг енгилмас куч-қудратини ўрганишда, марказлашган давлатни идора этишнинг ўз даври нуқтаи назаридан ҳам катта ибрат ва эътиборга моликлигини англаб етишда, шиддатли ва кескин жанглар тақдирини ўз фойдасига ҳал қилиш сиру асрорини тушуниб олишда катта аҳамиятга эга. Зеро, тарихий жараённинг бундай шукуҳини тушуниш ва билиш ўтмишдан сабоқ ва хулоса чиқаришга ёрдам бериб, инсонни миллий ғурур ва ифтихорини оширади. Биз ўзбекларда давлат бошқарувида кўпчилик фикрларига қулоқ тутиш анъанаси, демократик принциплар азалдан мавжуд эканлигига ва шарқона демократия асосларини яратишда аجدодларимизнинг ҳам беқиёс ўрни борлигига ишонч уйғотади. Қолаверса, ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистонимизда икки палатали парламентнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида кенгашлар ҳақидаги билимларимиз ва давлатчилик тажрибамиз ўзининг ижобий самарасини беради.

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ РОЛИНИНГ ОРТИБ БОРИШИ

Бугунги кунда демократия — нафақат қадриятлар тизими, балки биринчи навбатда инсоннинг олий мақсадларини таъминлайдиган қонунчилик қурилмалари ва жамоатчилик институтлари тизимидир. Буни мустақилликка эришгандан кейин ўзининг демократик тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистоннинг тажрибаси ҳам яққол тасдиқлайди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг стратегик вазифаси демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва барқарор фуқаролик жамиятини шакллантириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва одамлар онгида демократик қадриятларни қарор топтириш ҳисобланади.

Президентимиз Ислон Каримов қайд этиб ўтганидек, «Ушбу босқичнинг муҳим дастурий вазифалари — сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, мустақил суд тизимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдан иборатдир»¹

Олдимизга қўйилган асосий мақсад ва вазифалар мамлакатнинг модернизацияси нуқтаи назаридан

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. Т: Ўзбекистон, 2007 й.

истиқболли «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» принципига таяниши далил сифатида эътиборга лойиқ. Бу эса мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ кенг амалга оша бошлади. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, «Ўтиш даври ва миллий давлатчиликни барпо этиш шароитида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтишга эришиш ушбу даврда давлат тизимини ислоҳ этишнинг асосий ва ҳал қилувчи вазифаси бўлиши даркор».¹

Шундай қилиб, Ўзбекистонда демократик янги-ланишларни чуқурлаштириш бўйича тадбирларни қуйидагича характерлаш мумкин: инсон, унинг ҳуқуқлари, кўникмалари ва эркинликлари кучли давлатдан кучли жамият сари босқичма-босқич ўтишда олий мақсад ҳисобланади. Шу ўринда давлатимиз раҳбари мамлакатнинг ҳуқуқий-давлатчилик ва сиёсий тизимини ривожланиш характерини таъкидлайди.

Шунинг учун Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналиши фуқаролик жамияти асосларининг шаклланиши ва юқорида кўрсатилган принципнинг амалга оширилиши бўлди. Мамлакатда сиёсий партиялар, нодавлат, ноижорат ташкилотлари, мустақил оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг эркин фаолият юритиши ҳамда ривожланиши учун шароитлар яратишга йўналтирилган бир қатор лойиҳа ва дастурлар мажмуаси амалга оширилаяпти.

XXI аср бошидаги демократик тараққиётнинг шароитлари ҳамда хусусиятлари ҳақида фикрлаш ва

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. Т: Ўзбекистон, 2007 й.

уларни аниқлаш муҳимдир. Шунинг учун қуйидаги бир қатор саволлар юзага келади: турли мамлакатларда жамиятнинг модернизацияси ва янгилашиш жараёнларининг ривожланиш босқичида демократик янгилашишларнинг хусусиятлари қанақа? Демократик институтларнинг барқарор ва эркин фуқаролик жамияти шаклланишидаги роли қандай? Ҳар бир давлат — бу ноёб ҳодиса. У — халқнинг азалий маданияти, унинг тарихий ва диний тараққиёти натижаси. Биз учун бош масала демократиянинг умумий тан олинган принциплари маҳаллий шароитимизда қандай ишлаши керак, улар демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш учун етарлими, Ўзбекистонда демократик ривожланиш ва фуқаролик жамиятининг шаклланиш хусусиятлари қандай?

Биринчидан, Ўзбекистонда демократик тараққиётнинг ўзига хос хусусияти унинг кетма-кетлиги ва давомийлиги ҳисобланади.

Иккинчидан, демократлаштиришнинг муҳим шarti одамлар фикрлаш даражасининг демократик янгилашишлар даражаси ва жадаллигига тўла мослиги ҳамда мувофиқлиги ҳисобланади. Тарихий тажрибанинг кўрсатишича, демократик институтларни ташқаридан олиб кириш мумкин эмас. Демократик янгилашишлар, демократик институтларнинг шаклланиш зарурати жамият аъзолари томонидан англаниши ҳамда жамият уларни амалда қўлланилиши ва ҳимоя этилиши учун мумкин бўлган барча воситалардан фойдаланишга тайёр бўлиши лозим. Фақат шундай вазиятдагина демократик институтлар ҳақиқий аҳамият ва ҳаётий зарурат касб этади.

Учинчидан, демократик институтлар халқимизнинг менталитети ва миллий хусусиятларини акс эттириши лозим. Унинг учун оммавийлик, илмлик, ҳаққонийлик, қонунга риоя қилиш, сиёсий муносабатларда маънавий ва диний қадриятларни тўғри ёритишга интилиш хосдир.

Б.Констан, демократик ва жамоатчилик институтиларининг ролини очиб берар экан, улар фуқароларнинг маънавий тарбияланишини тугатишлари лозим деб ёзган: «Уларнинг шахсий ҳуқуқларини ҳурмат қилиб, мустақиллигини авайлаб, уларнинг машғулотларига умуман аралашмасдан, ушбу институтлар жамиятнинг келажаги учун таъсир кўрсатиши лозим; институтлар одамларни амалда юқори вазифаларни бажаришга тайёрлагани ҳолда, бир вақтнинг ўзида уларга ҳақиқат иши учун курашиш имконияти ва истагини сингдириб, тарбиялаши лозим».¹

Жамиятимиз янги ланишлар ҳақида гапирганда иқтисодий ислоҳотлар яққол ифодаланган ижтимоий йўналувчанликка эга эканлигини таъкидлаш лозим. Давлат бюджетининг ижтимоий соҳадаги харажатлари 1993-2005 йиллар давомида даврий ўсиб борди. Ҳозирда таълим олишга сарфланадиган харажатлар бюджетдаги барча харажатларнинг учдан бир қисмини ташкил этади. Масалан, 2005 йилда 1099 та мактаб фойдаланишга топширилди. Шу жумладан 55 та мактаб янгидан қурилган, 288 таси капитал таъмирланган ва 760 та мактаб таъмирдан чиқарилган. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг биргаликдаги йиғилишида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: «Таълим соҳасидаги миллий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш бошланганидан буён 1 минг 140 тага яқин академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, 4 минг 680 тадан зиёд умумтаълим мактаби янгитдан қурилди ва капитал таъмирланди, замонавий мебель, ўқув-лаборатория ускуналари билан

¹ Констан Б. О свободе у древних в ее сравнении со свободой у современных людей // Политические исследования. 1995. №2, С. 106.

жиҳозланди, уларда компьютер синфлари ва лингафон хоналари ташкил этилди».¹

Ўзбекистонда ўртача яшаш давомийлиги 2001 йилда 70 ёшдан 2005 йилда 72,5 ёшгача ошди. Бундан ташқари оналар ва болаларнинг ўлим кўрсаткичлари кескин камайди. БМТ ривожланиш Дастурининг ҳар йиллик маърузасига асосан Дания, Япония, Швеция, Бельгия, Чехия, Норвегия, Словакия ва Финляндия каби мамлакатлар билан бир қаторда Ўзбекистонда ҳам аҳоли қатламлари орасида энг кам мулкӣ тенгсизлик кузатилади. Сўнгги пайтларда Ўзбекистонда жамиятни ислоҳ этиш йўлида бир қатор жиддий қадамлар ташланди: икки налatalи парламентнинг муваффақиятли шакллантирилиши; фаол қонунчилик фаолияти амалга оширилиши ҳамда суд-ҳуқуқ тизимининг либераллашуви; БМТнинг барча органларида қатнашиш, инсон ҳуқуқлари бўйича конвенцияларга қўшилиш; инсон ҳуқуқлари бўйича ўзбек тилида 100 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар чоп этилиб, тарғиб-ташвиқ этилди.

Бизда «фуқаролик жамияти» тушунчасининг негизи узоқ ўтмишимизга бориб тақалади. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг ноёб ва бетакрор миллий институтини ифодалайди. Масалан, халқимиз ва жамиятимизнинг турмуш тарзига мос миллий демократик институт — маҳалла ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонда гарб мамлакатларига ўхшаш фуқаролик жамияти тузилмалари билан бир қаторда қонунчиликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи деб номланадиган қадимий аъанавий институт — маҳалла фаолият юритади. Ушбу кўп асрлик органлар фуқароларнинг ҳуқуқларини жамият ишларини бошқаришдаги иштирокида амалга оширишга ёрдам беради. Бундан ташқари уларнинг ўз ҳудудидаги ижтимоий ва хўжалик

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақилигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. Т: Ўзбекистон, 2007 й.

масалаларини ечиш мақсадида бирлашиши, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий тадбирларнинг ўтказилиши, давлат ҳокимияти органлари ва қонун ижросини таъминловчи бошқармаларга ҳам ёрдам беради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи-маҳалланинг вазифалари жуда кенг. Улар аҳоли билан узвий боғланган ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг турли шакллари амалга оширади, кам таъминланганларни ижтимоий қўллаб-қувватлайди, ҳудудларни жиҳозлаш ва ёшларни тарбиялашда қатнашади.

Маҳалла бугунги кунда ҳам ҳудудий яқинлик, ҳам ижтимоий-маданий манфаатларни амалга ошириш имконияти нуқтаи назаридан барча учун фуқаролик жамиятининг энг яқин институти ҳисобланади. XX асрнинг 90-йиллари охиридаги баъзи нодавлат халқаро ташкилотлари томонидан маҳаллани сиёсийлаштириш бўйича амалга оширилган уринишлар муваффақият қозонмади. Одамларнинг ижтимоий ва маданий муаммоларини ҳал этиш учун тарихан шаклланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сиёсийлаштириш ва парокандаликни қабул қилмади.

Ҳуқуқий-демократик ва сиёсий барқарор давлатни фуқаролик жамияти институтларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ, бекорга демократик янгиланиш, модернизация ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танланмаганини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг ўз олдига қўйган узоқ муддатли мақсади давлат ва жамоатчилик тузилмаларининг ислоҳ этилиши ва янгиланишини назарда тутди. Бу эса мамлакат модернизацияси моделининг энг муҳим принципини амалга ошириш, яъни «кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш» ни ифодалайди.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
<i>Ў. Туропов.</i> Интеллект ижтимоий-фалсафий феномен сифатида	5
<i>Ш. Икромов.</i> Билиш жараёнидаги узвийликни амалга ошириш хусусиятлари	11
<i>Б. Очилова.</i> Ижтимоий билишда ижодиётнинг ўзига хослиги	22
<i>Ф. Маматқулов.</i> Илмий ижодиётнинг рационалик ва порационалик хусусиятлари	34
<i>Б. Тошбоев.</i> Гносеологияда коперникона инқилоб ва унинг ижтимоий-фалсафий аҳамияти	38
<i>З. Миркомилова.</i> Синергетика жамиятни таҳлил этиш усули сифатида	44
<i>Н. Тангиров.</i> Ноосфера (Ақл соҳаси) даврининг сабоқлари ва имкониятлари	50
<i>Ф. Ахмедшина.</i> Эгей цивилизацияси: давр-лаштириш, моддий-маънавий манбалар	58
<i>Т. Аҳмедов.</i> Амир Темур ижтимоий-ижодий фаолияти	75
<i>С. Назарқосимов.</i> Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ролининг ортиб бориши	85

*Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти илмий кенгаши томонидан
нашрга тавсия этилган.*

Муҳаррир: *Абдулла Шаропов*

Техник муҳаррир: *Абдиқодир Аллақулов*

Нашриёт рақами: з-01. Босмахонага топширилди: 18.01.2009. Босишга рухсат этилди: 21.01.2009. Бичими: 84x108 ¹/₁₆. Офсет қоғоз. Ҳисоб-нашриёт табоғи: 4,0. Шартли босма табоғи: 5,7. Адади: 300 нусхада. № 03-буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти. 100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

«Ирак Yo'li Poligraf» МЧЖ босмахонасида босилди. 100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.